



Mustaqil gazeta

HURRIYAT


O'zingni angla!

Газетамизга
2009 йил учун
обуна
бошланди.
**Мушарифларимиз
сафида бўлинг!**
Нашр
кўрсаткичи — 233.

1996-yil dekabrden chiqqan boshlagan * Chorshanba kunlari chiqadi * 2008-yil 8-oktabr, №43 (598) * E-mail: hurriyat@mail.ru * http://www.hurriyat.uz

ҚАШҚАДАРЁДА ЯНА БИР ИНШООТ

Калийли ўғитлар корхонасини бунёд этиш борасида ҳозиргача қарийб 4 миллиард сўмлик қурилиш-тиклаш ишлари адо этилди. Телақўтон тоғ-кон мажмуида қурилиш ишлари кун сайин авж олдирилмоқда. Бу ерга корхона учун энг замонавий асбоб-ускуналар, механизмлар келтирилмоқда.



⇒ 2-бет

ЁЛАНГАН КИМСА СЎЗИДАН ҚАЙТДИ

Омонат илиниб турган меҳр ришталари узилшига бир баҳя қолган. Нафрат алангаланган аёл юрагига "болаларимнинг отаси-ку", деган уй "меҳмон" ҳам бўлмади. Бироқ қутилмаганда ёлланма "қотил"нинг панжара орти ҳаёти ёдига келди, 8 дилига Аллоҳ инсоф ато этди "Одам ўлдириш... Йўқ, буни тегишли идораларга билдиришим керак", — деб ўйлади.



⇒ 3-бет

ТИББИЙ КҮРИК

Жорий йилнинг олти ойи давомида Қорақалпоғистон Республикасининг туман, шаҳар ФХДБ бўлимларига 8921 та жуфтлик никоҳдан ўтиш учун ариза билан мурожат қилган бўлса, шундан 17811 та фуқарога тиббий кўриқдан ўтиш учун ФХДБ органлари томонидан йўлланма берилди.



⇒ 3-бет

ТААССУРОТ

Кўнгилдаги китоб

Болалигимдан китоб мутолаасига жуда қизиқман. Оиламида байрам ёки туғилган кунларда китоб совға қилиш анъанага айланган. Бунда дадажонимнинг ҳиссаси катта. Бир кун у кишининг китоб ўқиётганликларига кўзим тушиб қолди.



Ислом Каримов

ЮКСАК
МАЪНАВИЯТ -
ЕНГИЛМАС КУЧ

Одатдагидек дадам қанақа асарни мутолаа қилаётган экан, деб қизиқдим. Дадамнинг айтишича, бу китоб Юртбошимизнинг "Юксак маънавият - енгилмас куч" деб номланган асари экан. Қизиқишим устун келиб мен ҳам ушбу китобни кўлимга олдим. Мени ҳайратга солган нарса шу бўлдики, ундаги аксарият жумлалар оддий ва халқона тилда ёзилган экан. Шу боис уларни тушуниш унчалик қийин кечмади. Айниқса, куйидаги жумлалар эътиборимни тортди: "... бу дунёда табиатда ҳам, жамиятда ҳам бўшлиқ бўлмайди. Қаердадир бўшлиқ пайдо бўлдики, ҳеч шубҳасиз, уни албатта кимдир тўлдиришга ҳаракат қилади" (12-бет).

Уйланиб қолдим, агарда ёшлар ўз бўш вақтларини бирон-бир фойдали меҳнатга жалб қилсалар, барча замонавий билимларни

мукамал эгалласалар уларни ҳеч қандай ёт гоғлар қамраб ололмайдилар. Президентимиз таъбири билан айтганда, ушбу бўшлиқни тўлдиришга уринадиган ва гаразли мақсадларни кўзлаганлар тилларини тишлаб қолаверадилар.

Ҳа, албатта, китобнинг ҳар бир саҳифасидан ўрин олган мулоҳазалар, ҳаётий сабоқлар, теран нуқтаи назар менинг ёш қалбимни мафтун этди. Шубҳасизки, дунёда не-не жиҳатлар бор, сифатлар мавжуд. Аммо уларнинг бари юксак маънавият билан қадрли. Уйлайманки, асарни нафақат катталар, балки ҳар бир тенгдошим ҳам ўқиб, тушулмаган жойларини ота-онаси ва устозларидан сўраб, мағзини чақса, фойдадан холи бўлмайди. Чунки унда маънавият оламининг мазмун-моҳиятидан тортиб, мустақиллик йилларида юртимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар ва маънавий оламимизни турли ёт таъсирлардан асраш билан боғлиқ масалаларга батафсил тўхталиб ўтилган. Мазкур асар Ўзбекистон халқи ва айниқса, биз ёшлар учун жуда-жуда керакли, фойдали эканлигини дилдан ҳис этдим. Уни дадажоним билан ҳар кун мутолаа қилаёямиз.

Гўзал ЭРГАШЕВА,
Тошкент шаҳридаги
110-умумтаълим ўрта
мактабининг 8-«А» синф
ўқувчиси.

Обод юрт кўрки



С аксондан ўтган Қодиркул бува-нинг бир одати элга жуда ёқди. Қария юрган йўлида дуо қилиб юради. Унинг дуоларида шундай самимий сўзлар борки, оталар ўғилларини унинг олдига олиб келиб "бува, ўғлимни бир дуо қилиб қўйинг", деб сўрашади. Шу одам яқинда бир даврада атрофдагиларнинг "қани бува, дуо сиздан" деганларида қўлини

кўтариб шундай сўзларни самимий, ёруғ ниятларни билдирдики, ҳамма астойдил қувониб, юзларига фотиҳа тортишди. — Муҳтарам жамоа, аввало берган насибаси ва осойишта кунлари учун Аллоҳга ҳамду санолар айттайлик. Фарзандларимизнинг келажаги, бизнинг бугунимиз учун барча савобли ишларга бош бўлаётган муҳтарам Президентимиз омон бўлсинлар, юртимиз ҳамisha тинч бўл-

син... Бу ҳосиятли тилақлардан сўнг барчанинг кўнгли фаҳрга тўлди. Шаҳарни билмадимиз кишлоқда бирон янгилик бўлса гап ётмайди. Эшитган одам эшитмаганга ётказаверади. Шунинг учун ҳам ҳаётда бўлаётган ўзгаришлар ҳам-манинг кўз ўнгига туради. Ҳар бир янгиликни ўтган кунларга солиштиришнинг-ку чоғини олишган. — Бу йил кишлоғимизда-

ги учинчи мактаб ҳам янгидай қилиб таъмирланди — дейди маҳалла оқсоқоли Бурхонжўжа ака. — Уларнинг икитаси 1938 йилда пахса-

дан қурилган эди, биттаси эса 1956 йилда хом гиштдан қад кўтарган. Эсимда бор, бир хонада 14 бола ҳар хил «синф» бўлиб ўқирдик. Ҳозир невараларимга айтиб берсам, ишонгилари келмайди. Бунинг боиси бор. Чунки улар ўқиётган мактабларни қаранг. Мен уларга шундай шароитда фақат бешга ўқиш керак, дейман.

Дарҳақиқат, кишлоқларда истиқлол йилларида бўлган ўзгаришларни гапиришса, аввало мактабдан бошлашди. Чунки мактаб — муқаддас даргоҳ. Шу оддий кишлоқ мактабларини битирган минг-минглаб одамлар юрт фидойиларидир. Шунинг учун ҳам мактабларнинг бугунги кўркамлиги ва замонавийлиги кишлоқ одамларининг кўксини кўтаради.

Иккинчиси, фарзандларимизга касб-хунар ўргатишнинг шароити рўпарангда яратиб қўйилгани бўлди. — Шўро даврида қийналиб-қийналиб бўлса ҳам икки ўғлимни шаҳарда ўқитганман. Шанба кун келаверса икки оёғим бир этикка юк бўларди. Бир ҳафталик пули, йўлқира деб эшикма-эшик сарғайиб юраман. Худога шукр невараларим уйимдан чиқиб, кишлоғимиздаги қол-лежда ўқиб келаяпти.

(Давоми 4-бетда.)



Газета «Ўзбекистон ҳаво йўллари»
миллий авиакомпанияси самолётларида
ҳам тарқатилади.

Обуна — 2009



- Хур фикрларга ишқибозмисиз?
- Узоқни кўзлаб иш тутушни хоҳлайсизми?
- Рўҳиятингизга мос газетани йил бўйи ўқиб воромқилимисиз?
- Режалар, эзу мақсадлар билан яшайсизми?
- Имкониятлар ашиқини очшни истайсизми?
- Янгиликлардан, дунё хабарларидан воҳабар бўлмоқчилисиз?
- Тезроқ "HURRIYAT"га обуна бўлинг!

ДУНЁ СИЁСАТИ

Нефть арзонлашмоқда



Кеча Нью-Йорк хомашё биржасига WTI маркали нефтнинг бир баррели баҳоси 89,97 долларга тушиб кетди.

Бу кейинги олти ойдаги энг паст кўрсаткичдир. Таҳлилчиларнинг таъкидлашича, 2009 йилнинг бошларига бориб «қора олтин» нархи 40-50 долларгача тушиб кетиши мумкин. Бундай ҳолатда, асосан энергетика сотиш ҳисобига ривожланаётган мамлакатлар, жумладан, Россия жиддий иқтисодий қийинчиликларга дуч келиши башорат қилиняпти. Эслатиб ўтамиз, шу йилнинг

11 июнь кун «қора олтин» нархи энг юқори баҳода сотилганди. Яъни биржаларда бир баррель нефть 147,27 долларга баҳоланганди. Ушанда таҳлилчилар яқинда унинг нархи 200 доллардан ҳам ошиб кетиши мумкинлигини тахмин қилишганди. Лекин бунинг акси бўлиб чиқди. Шунинг учун айрим сиёсатчилар нефть нархининг пасайиб кетиши ҳақидаги гапларга ҳам шубҳа билан қарашаяпти.

5»

ҲАВО ТҮЛҚИНЛАРИДА

Журналист жамиятнинг кўзи ва виждони бўлмоғи керак

— ge'gu "Mash'al" радиоси раҳбари Рўзимухаммад Икромов

Донишмандлардан бири "Ўқиб туриб уқмаслик, кўриб туриб кўрмаслик, эшитиб туриб англамасликдан Аллоҳнинг ўзи асра-син" деганида нақадар ҳақ эди. Бугун ахборот оқими тезлашиб бораётган бир пайтда, ОАВ орасидаги кескин рақобат шароитида телерадиоканалларнинг янада кўпроқ изланиши, халққа маъқул бўладиган эшиттиришлар тайёрлашни ҳаётнинг ўзи тақозо қилмоқда. Аҳоли маънавиятига дахлдорлик ҳиссини туйиб юқори даражадаги радиолойиҳаларни тақдим этмоқ учун эса жуда катта билим, иқтидор ва фидойилик лозим. Аммо ҳамма FM каналлар ҳам аини шу мақсадда фаолият юритяпти-ми?.. "Спорт" телерадиоканали давлат унитар корхонаси директори ўринбосари, "Mash'al" радиоси раҳбари Рўзимухаммад Икромов билан суҳбатимиз мавзуси шулар хусусида бўлди.

— «Ахборот асри» деб аталаётган ҳозирги пайтда радионинг жамият ҳаётидаги ўрни ҳақидаги фикрларингизни билмоқчи эдик.

— Ҳаётимизни радиосиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Радио орқали берилётган мамлакатимиз ва дунё ҳаётига доир энг сўнги янгиликлар, долзарб мавзулардаги таҳлилий эшиттиришлар, иқтисодий, сиёсий ва халқаро шарҳлар, дилрабо куй-қўшиқлар миллионлаб тингловчилар аудиториясини қамраб олган. Бугун турли кўриниш ва қувватга эга бўлган радиоприёмникларни ис-талган жойда учратиш мумкин. XX асрнинг охириги ўн йиллигига ма-

либ радио мисли кўрилмаган да-ражада тараққий этди. Жумладан, сунъий йўлдош ва Интернет орқа-ли узатиш йўлга қўйилди. Унинг имкониятларини чамалар эканмиз, у ҳар сонияда ОАВнинг тезкор ах-борот етказишни ўз олдиға мақ-сад қилиб қўйган бошқа турлари билан кескин рақобатга дуч кела-ди. Шуниси аҳамиятлики, радио ри-вожланиш йўлида ўз рақобатчилари-нинг имкониятларидан ҳам фойда-ланмоқда. Интернет орқали эшитти-ришларнинг йўлга қўйилиши бунга ёрқин далилдир. Кейинги беш-олти йил ичида дунё бўйича кўп-лаб FM радиостанциялар ўз эфирини Интернет орқа-ли ҳам тарқатишга ўтди.


4»

БУНЁДКОРЛИК

Қашқадарёда яна бир иншоот

қурилиши бошлаб юборилди

XXI асрнинг улкан иншоотларидан ҳисобланган *Гузор-Қумкўрғон-Бойсун* темир йўлининг фойдаланишига топширилиши мамлакатимизнинг жанубий вилоятларида иш қучларидан самарали фойдаланиши, ер усти ва ер ости қазилма бойликларини эл-юрт фаровонлиги йўлида хизмат қилдириши истиқболларини белгилаб берди. Янги темир йўли кесиб ўтган *Ҳисор* тизма тоғлари бағрида жуда катта қазилма бойликлар мавжуд. Халқ хўжалиги учун зарур хомашё манбалари бисёр. Янги темир йўли бўйлаб ана шу хомашёни қайта ишлайдиган ўнлаб корхоналар бунёд этилиши мўлжалланган.



появ қишлоғига янги йўл барпо этилмоқда. Денгиз сатҳидан 1,5 минг метр баландликда жойлашган бу худудда баланд-пастликлардан йўл қуришнинг ўзига хос мураккабликлари бор. Қирқ беш километрлик масофа

га чўзилган ушбу йўл бўйлаб ўнлаб муҳандислик иншоотлари бунёд этиши, сув ўтказгичлар, кўприклар барпо қилиш, баланд қояларни портлатиш лозим бўлади. Йўлсозлар бу мураккаб вазифаларни қўйиллати

уддалаяптилар. Йўл қурилиши бўйича тупроқ ишлари асосан ниҳоясига етди. Сув ўтказгич иншоотлари, кўприклар қуриш, асфальтлаш ишлари қизгин кечяпти. Ҳозирги кунда янги йўлдан Хўжайпоқ қишлоғига автомабилда бемалол бориб-келиш мумкин.

Бешбулок қишлоғида бўлажак корхонанинг инфратузилмаси барпо этилмоқда. Бу ерда ишчи-хизматчилар учун ётоқхона, ўн оиланинг истикомат қилишига мўлжалланган бешта коттеж типидagi турар жойлар тикланди. Корхонанинг электр таъминотини яратиш, қурилиши жадал олиб бориш мақсадида электр подстанцияси ишга туширилди. Юқори қучланишдаги электр қувватини узатиб берадиган 35 километрлик линия қурилди.

Калийли ўғитлар корхонасини бунёд этиш борасида ҳозиргача қарийб 4 миллиард сўмлик қурилиш-тиклаш ишлари адо этилди. Тепақўтон тоғ-кон мажмуида қурилиш ишлари кун сайин авж олдирилмоқда. Бу ерда корхона учун энг замонавий асбоб-ускуналар, механизмлар келтирилмоқда.

Пўлат ГАДОВЕВ,
"Хуррият" мухбири.



"Қизил ярим ой"нинг ташаббуси

Навоий вилоятидаги "Қизилқумцемент" очиқ акционерлик жамиятига қарашли "Шаббода" дам олиш масканида "Қизил ярим ой" жамияти томонидан "Волонтер-2008" ёшлар лагери ташкил этилди.

Унда жамиятнинг барча вилоятлардаги бўлиmlаридан келган 60 нафар энг фаол кўнгилчилар иштирок этишди. Бу ерда йиғилганларнинг бир ҳафта мобайнида мазмунли ҳордиқ чиқариши, ўзаро тажриба алмашиши, шунингдек дўстона алоқаларни мустақамлашлари учун барча шароитлар мавжуд.

Ҳозирги пайтда республикаимиз ўқув юртли, корхона, ташкилот ва муассасаларида жамиятга қарашли 31 та ёшлар маркази, 100 дан ортиқ клуб фаолият олиб бораёпти. Уларга минглаб ёшлар жалб этилган.

— Бундан уч йил илгари мактабимизда очилган "Ёш кўнгилчилар" ташкилотига аъзо бўлган эдим, — дейди Жиззах шаҳридаги 1-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Шавкат Абдухалилов. — Ўтган даврда "Халқаро қизил хоч" ва "Қизил ярим ой" жамиятлари тарихи, фаолияти, фавқулдда бахтсиз ҳодисаларда аҳолига биринчи ёрдам кўрсатиш амалиётларини ўргандим. Бир ҳафта давом этган ўқув машғуллари эса билим ва малакамани янада оширишда ҳар жиҳатдан фойдали бўлди.

Ташкиллаштирилган бундай тадбирлар ёш авлодни инсонпарварлик ҳамда ватанпарварлик руҳида тарбиялашда катта кўмак бериши шубҳасиз.

Иномжон АБДИЕВ,
"Хуррият" мухбири.

Маҳаллада тадбир

Гулистон туманидаги "Ўзбекистон" маҳалласида тадбир бўлиб ўтди. Шукроналик руҳида ўтказилган йиғилишда сўзга чиққанлар бугунги дориломон кунлар қадрини ҳис қилиш ҳар бир юрtdошимизнинг бурчи эканлиги ҳақида гапирди.

— Бугун маҳалладошимиз билан юртимизда кечаётган туб ўзгаришлар ҳақида фикр алмашдик. Улуг ёшдаги кишилар иштирокида мактабларда, ўқув юртлиларида ҳам учрашувлар ўтказиб, овоз ва обод юртимиз равнақи тўғрисида маълумотлар бериб бормоқдамиз, — дейди Деҳқонобод шаҳарчаси фуқаролар йиғини раиси Дилбар Хайитова.

Таъкидландики, бундай учрашувларнинг тез-тез ўтказиб турилиши биринчидан, маҳалла аҳлининг янада аҳиллиги учун хизмат қилса, иккинчидан ёшларни фаровон ҳаётимиз учун шукроналик руҳида тарбиялаш борасида алоҳида аҳамият касб этади.

Ситора Шамсиддин қизи,
"Хуррият" мухбири.

Етмиш хилдаги нон маҳсулотлари

Тошкент вилоятидаги «Учкудук иссиқ нон» хусусий корхонасига Россия давлатининг Саратов шаҳридаги «Восход» фирмаси билан тузилган шартномага асосан минитехнология келтирилиши ўрнатилди.

Тақдимот маросимига йиғилганларни Россиянинг «TechoFood Serves» фирмасининг Ўзбекистондаги вакили Ильгиз Байбурин «Прима-100», ТЗ-4М ва «Муссон ротор-77» русумли жиҳозларнинг иш жараёни билан таърифлади, ушбу замонавий ускуна асосида 70 хилдаги нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш имконияти мавжудлиги, у бир кунда 3 тонна ундан маҳсулот тайёрлаш қувватига эга эканлиги ҳамда 30-35 дақиқада 135 дон нон пилирилиши мумкин эканлигига диққат-эътиборни қаратди.

— Фаолиятимизни янада кенгайтириш учун 57 миллион сўм миқдорда имтиёзли кредит ажратилди, — дейди хусусий корхона раҳбари Шукур Тиловов. — Келгусида халқимизга янада кўпроқ арзон, сифатли нон ва нон маҳсулотлари тайёрлашни режалаштирганмиз.

Азим РЎЗИЕВ,
"Хуррият" мухбири.

Мафтуна танлов ғолиби

«Келажак овози — 2008» кўрик-танловининг Самарқанд вилоят босқичида «Радионализаторлик таклифлар, техник лойиҳалар ва ишланмалар» номинацияси бўйича иштирок этган каттақўрғонлик ёш иxtирочи Мафтуна Саидова ғолиб бўлиб, республика босқичига йўлланма олди.

Танловга Мафтуна томонидан тақдим этилган «Универсал ҳасса» — «SOS тугма», «Еритич», «Дорихона», радиопремник ҳамда мавсумий шароитта мослаштирилган тишли ва тишсиз пошначалардан иборатлиги кўчилини қизиқтирди.

Ҳассада жойлашган дори қутичаси ундан фойдаланувчиларнинг дори-дармонларини вақтида ичиб туришлари учун хизмат қилса, ундаги «SOS тугма» фавқулдда вазият рўй берганда тез тиббий ёрдам кўрсатишга мўлжалланган. Ҳассага ўрнатилган радиопремник эса ундан фойдаланувчиларнинг маданий ҳордиқ чиқаришлари кўмаклашиши кўзда тутилган. Тишли пошначалар қишда қор ҳамда музда сирланиб кетмаслика имкон яратади. "Универсал ҳасса" ундан фойдаланувчиларнинг бўй-бастига қараб, калта ва узун бўлиши ҳам мумкин.

Ислом СУЛТОНОВ,
"Хуррият" мухбири.

БОЙСУН ТУМАНИ ҲОКИМЛИГИ ДИҚҚАТИГА!

Ваъда кўприк бўлмас экан...

Марҳум Ҳамид Каримовни бойсунлик кекса-ю ёш яхши эслайдим. Аслида, у ҳамқишлоқлари учун хотирлашга арзийдиган инсон эди. Турғунлик даврида ҳам раҳбарларнинг кўзига қараб ҳақиқатни айтгучи эди, раҳматлик. Қачон қараманг, бирор бир муаммо билан куйиб-пишиб юрган, туман раҳбарларидан тортиб вилоят раҳбарларидан ҳам элу халқ манфаати учун ниманидир ундиришга ҳаракат қиларди.

"Фалон жойда йўлни сел ювиб кетибди, — дерди даб-дурдустдан чақирилмаган йиғинларда ҳам пайдо бўлиб, — ўша жойни тузатиш ҳақида ўйлаб кўриш керак".

Қабристонлар, азиз-авлиблар кўним тоған муқаддас жойларни ободонлаштириш ҳақидаги таклиф билан чиққанда-ку чинакамга "тўс-тўполон" бўлганди. Айниқса, мафкурачиларга "иш" топилиб қолганди ўшанда. "Шўро идеологияси"га қарши чиққан инсон сифатида тумани-ку куйиб туринг, неча марта вилоят партия ташкилотига чақирилиб мафкурачилар ўртага олганда ҳам у бўш келмаганди. Кейин... "бор-е", деганча ўша ишларни ўз маблаг ҳисобидан амалга ошира бошлади. Қорабўйин қишлоғи эстагидаги муқаддас Бибиширин зиёратгоҳи атрофига дарахт экиб, ободонлаштирди, қишлоқ йўлини таъмирлади. Айниқса, туман марказидаги икки йирик маҳаллани ажратиб ўртадан ўтган Шўрсойда кўприк бунёд этди.

Шунга ҳам 20 йилдан ошибди. Бу орада Ҳамид Каримов Яратганга омонатини топширди. Бироқ, кўприк қолди. Йигирма йилдан ортиқ вақт мобайнида ундан минглаб, ўн минглаб йўловчи ўта туриб раҳматликни эслаб, юзига фотиҳа тортган бўлса ажабмас. Ахир, бу кўприк туман маркази билан йигирмага яқин катта-кичик қишлоқни туташтириб туради.

Кўприк баҳона савоб иш қилган инсонни хотирладик. Аммо, асосий айтмоқчи бўлганимиз аини шу — элда "Ҳамид Карим кўприги" деб ном олган кўприк атрофида бўлаётган бугунги аҳвол ҳақида. Ҳамид бобо "Савобнинг каттаси кўприк қуришда" деганларини кўп эшитганман. Кейин билсам бу ҳикматли гапни у Ҳадиси шарифдан олган экан. Бойсундек тоғли худудда яшаётганлар учун йўл, кўприк муаммолари нечоғли долзарб эканлигини кўз олдимизга келтирсак, бу ҳикматли сўз бехуда айтилмаган экан, деган хулосага келамиз. Бунга, айниқса, бойсунликлар кўприкни бурноғи йил Шўрсойни тўлдириб ўтган сел бузиб кетгандан сўнг яна бир қарра амин бўлдилар.

Биз юқорида номи тилга олинган кўприкдан икки қақирим юқоридаги (айланма йўл билан 5 км. масофа (Д.О.) яна бир кўприк ҳақида тўхталмоқчимиз. Аслида унинг ўзи йўқ ҳисоби. Бундан саккиз йил аввал селдан кейин омонат кўприк ювилиб кетганди. Кўприк фақат олис қишлоқлар билан туман марказини туташтириб қолмаган, балки атрофидаги тўрт-беш маҳалла қабристонига, яъни ҳар бир мўмин-мусулмон бандасининг сўнгги манзили бўлмиш муқаддас маконга олиб борувчи йўлни туташтириб турувчи ҳам эди. Табиий офат — сел сабабли кўприк бузилди-ю, атрофдаги бир неча маҳалла қабристондан узилиб қолди. Аввалига эл-улус ҳашар билан уни тикламоқчи бўлди, бироқ, мутахассислар бунга мақсадга мувофиқ эмас деб топиди. Шундан сўнг маҳалла-кўй туман раҳбарларига, кейин юқоридагиларга арз қилишди. Ваъдалар берилди. Аммо ваъда кўприк бўла олмас, унинг тагидан сув, устидан одамлар ўтиб бўлмас экан. Оқибат шу бўлдики, саккиз йилдан буён икки-уч маҳалла аҳли ўлим бўлганда марҳумни қабристонга ўтказиш учун жару сойликлар оралаб йўл излайди.

Ёз-куз мавсумларида-ку майли-я, бироқ баҳор, қиш мавсумида айниқса қийин. Майитни кўтарган одамлар қабристоннинг шундоқ ёнгинасидан ортага қайтиб, камиди 5-6 қақирим айланма йўл юришга мажбур бўлишади.

"Ариқ усти" маҳалласининг оксоқолларидан бири Холназар бобо кўюниб шундай ҳикоя қилади: — Қабристонга ўтадиган шу кўприкни деб бормаган идорамиз қолмади. Очиги, ўлим пайт танламаслигини раҳбарларга тушунтира олмай хўнобимиз. Шу йил баҳорда, аини ёнгингарчилик паллада икки-уч хонадонда ўлим бўлди. Тобуткашлар йўлга чиққанда жала қуйиб, сойда сел кўтарилган пайтлар сувдан ўта олмай, жалада икки-уч соатгача овоза бўлган дамларимиз бўлди. Авваллари шундай маҳалда "Ҳамид кўприк"дан айланиб ўтардик.

Дарвоқе, шу йил баҳорда Шўрсой устида янги кўприк қурилиши бошлангандек ҳам бўлди. Қурувчилар келиб илгариги кўприкнинг конструкцияларини ажратиб, жой тайёрладилару, шу билан қораларини кўрсатмай кетишди. Кейинроқ бу ерга келтирилган бир-икки техника воситалари ҳам "ғойиб" бўлди-да, гўё ҳамма нарса унутилди.

Ўйлаб қоласан киши: гўё қудратли сел кўприк билан бирга кўприксозалару шу ишга бош-қош мутассадиларнинг масъулиятини ҳам оқизиб кетгандек...

Даврон ОРИПОВ,
"Хуррият" мухбири.

Йўналиш қайта тикланса...

Охириги йилларда пойтахтимиз аҳолисига транспорт хизмати кўрсатиш суръати ва сифати янада ортди. Шаҳар кўчалари бўйлаб янги ва замонавий русумдаги транспорт воситалари қатновидан шаҳар аҳли ва меҳмонларининг кўнгли тўқ.

Аммо, шунга қарамай, айрим йўналишлардаги транспорт тақчиллиги йўловчилар учун баъзи бир ноқулайликлар туғдирилмоқда. Масалан, Юнусобод туманидаги "Бодомзор", "Минг ўрик" маҳаллалари, "Ўзбекишлюқмаш", "Давлат белгиси" корхоналари, Тошкент ахборот технологиялари университети қошидаги академик лицей ўқувчи, ўқитувчилари ва шу худудда исти-

комат қилаётганлар мана бир неча йилдирки, Жаҳон Обидова кўчасидаги 2-трамвай йўналиши тўхта-тилгандан афсусдалар. Айниқса, Шимолий темир йўл вокзали, Темир йўл транспорти инженерлари муҳандислиги институти, Тошкент аэропорти йўналишида жойлашган етти коллеж, лицей ва кўп сонли катта-кичик корхоналарда меҳнат қилувчи ва ўқувчи ёшлар ўз манзилларига учта транспортда алмашиб келадилар. Эрталабки ва кечки тигиз пайтлардаги транспорт алмашинувларидан сўнг йўловчиларнинг кайфиятлари-ю усти бошлар қай аҳволга тушишини гапирмасам ҳам бўлади. Узоқ йиллардан бунён маҳалламиз фаоллари бу масалада ёрдам сўраб, Тошкент ша-

ҳар ҳокимлигига ва бошқа идораларга ана шу масалани ижобий ҳал этилишини сўраб мурожаат этишадилар. Лекин...


Шу кунларда пойтахтимизнинг 2200 йиллик юбилейига ҳозирлик кўриш юмушларида йўл транспорт хизмати билан боғлиқ янгиликларга янада кенгрок йўл очилмоқда. Аҳоли учун қулай ўзгаришлар яратилапти. Шунингдек, юқорида номлари тилга олинган маҳаллалар аҳли ҳам "Ўзбекишлюқмаш" — "Тошкент аэропорти" йўналиши бўйича қўшимча транспорт воситаси қатнови тикланишини кутиб қоладилар.

Бир гуруҳ йўловчилар номидан
Эштемир БОЙНАЗАРОВ

Барча ташкилот ва корхона раҳбарлари диққатига!



TURON BANK



Бўш пул маблағларингизни жойлаштиришнинг энг самарали йўли

Очиқ акциядорлик тижорат Турон банк барча юридик шахслар учун қуйидаги шартлар асосида депозит сертификатларини таклиф этади:

АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ	ЖАМИ СУММАСИ (СЎМДА)	ФОИЗ СТАВКАСИ % (ЙИЛЛИК)ДА
6 ОЙ	1 000 000 000	12%
13 ОЙ	7 000 000 000	13%
36 ОЙ	1 000 000 000	14%

Маълумот учун телефонлар: (8.371) 244-25-81, 244-12-74, 700-55-55
Манзил: Тошкент шаҳри, Абай кўчаси 4а уй.

ИМКОНИЯТ

Қишлоқда замонавий фабрика

Куйи Чирчиқ туманида бундай корхоналар кўпаймоқда

Ташкент вилоятидаги Дўстобод шаҳарчасига борган киши бу ердаги ўзгаришларни кўриб, кўнглида ҳавас уйғониши турган гап. Шаҳарча йилдан-йилга ободонлашиб бормоқда. Замонавий услубда қурилган савдо дўконлари, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, мактаблар, коллежлар ва бошқа турли маданий-маиший иншоотлар ҳудуд кўрмига кўрк қўшмоқда.

Албатта, Куйи Чирчиқ туманида иқтисодий ислохотлар изчил амалга оширилаётгани, барча соҳаларда ижобий кўрсаткичлар кўлга киритилаётганлиги сабабли олинаётган даромад миқдори ҳам салмоқли. Шу боис, туман маркази ва қишлоқлар ободонлашиб бормоқда.

Асосий эътибор маҳаллий ҳомашёдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга қаратилган. Пировардида саноат корхоналари сони кўпаймоқда. Масалан, яқинда халқимиз кенг нишонлаган Мустақиллик байрами арафасида "Дайнек-мегатекс" Ўзбекистон-Корея қўшма корхонаси қурилиб фойдаланишга топширилди. Жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган замонавий дастгоҳлар билан жиҳозланган тикув-трикотаж фабрикасида ҳозир 400 нафар ёш иш билан таъминланган. Бу ерда майка, спорт кийимлари ва турли хил трикотаж маҳсулотлари тайёрланиб хорижга экспорт қилиш кўзда тутилган. Ойига жами 250 минг АҚШ доллари миқдорига трикотаж моллари ишлаб чиқарилиб, Корея, АҚШ ва Италия давлатларига жўнатилади. Шу йилнинг охиригача жамоада яна 200 нафар кишига иш ўрни яратилиши кўзда тутилган.



Жорий йилда туманда агроасаноат касб-ҳунар коллежи ҳам қурилиб, ишга туширилди. Зарур ўқув воситалари билан жиҳозланган аудиторияларда ҳозир қишлоқ ёшлари касб-ҳунар сирларини ўрганишмоқда. Туманда яна ама шундай учта коллеж мавжуд бўлиб, уларда ҳам йигит-қизлар билим олишарди. Энг муҳими, мазкур ўқув юртиларда ўқиб-истагани билдираётган ёшлар сони ҳам кўпаймоқда.

Иқтисодиётни эркинлаштириш, барча соҳаларда барқарорликка эришиш, хусусий мўлққа эътибор бериш, аграр тармоқда ислохотларни чуқурлаштириш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш борасида ҳам белгиланган тадбирлар изчил амалга татбиқ этилмоқда. Бу борада ҳам ижобий натижалар кўлга киритилаётган. Хусусан, давлат буюртмаси жиҳозланган пахта ва галла етиштириш шартнома режалари ўтган йили ортиги билан бажарилди. Натижада қишлоқ ҳўжалигидан катта фойда олишга эришилди. Жорий йилда ҳам галлчиликда юқори натижалар кўлга киритилиб, шартнома топшириги ортиги билан урдаланди. Умуман туман меҳнаткашлари ҳар йили аграр соҳада режаларни ортиги билан бажаришарди.

Ижобий ўзгаришларни саноат, халқ истеъмолчи моллари ишлаб чиқариш, қурилиш, савдо ва аҳолига сервис хизмати кўрсатишда ҳам кўриш мумкин. Айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига алоҳида эътибор қаратилаётганлиги ўз самарасини бермоқда. Масалан, айни пайтда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда бу кўрсаткич 25 фоизни, қишлоқ ҳўжалигида эса 94,8 фоизни ташкил этади. Бу рақамларни ўтган йилларга таққослайдиган бўлсак, ўсиш кўзга ташланади.

Умуман, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка алоҳида эътибор қаратилаётганлиги туман иқтисодиётининг мустақамланишига ҳам ёрдам берапти. Шу билан бирга мазкур соҳада шўгулланаётганлар сони ортиб бормоқда. Масалан, жорий йилнинг ўтган даврида 46 та тадбиркорлик субъекти ташкил этилган бўлиб, бу кўзда тутилган режадан анча юқоридир. Энг муҳими, мазкур соҳада тайёрланаётган маҳсулотлар ўзининг рақобатбардорлиги ва сифати жиҳатидан хорижийдан асло қолишмайди.

— Аҳолини иш билан таъминлаш устувор вазифаларимиздан биридир, — дейди туман ҳокими Рустам Холматов. — Масалан, Президентимизнинг йирик саноат корхоналари қошида касаначиликни ташкил этишга оид Фармонига кўра, жорий йилнинг ўтган даврида 108 та янги иш ўрни ташкил этилди. Умуман, ҳаммаси бўлиб барча соҳаларда 1124 та иш ўрни яратилган бўлиб, уларнинг 320 таси кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йўналишига тўри келади. Мақсадимиз ўзимизда тайёрланаётган маҳаллий ҳомашёни замонавий корхоналарда қайта ишлашни йўлга қўйишдир. Бу борада хорижий хамкорлар билан янги лойиҳаларни амалга ошириш устида иш олиб бораёلمиз. Ҳар томонлама қулай, юқори даромад оладиган илгор технологиялари олиб келишга ҳаракат қилияёмиз.


Туманда нафақат иқтисодиёт, балки бошқа соҳалар ҳам юксалмоқда. Масалан, "2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантиришнинг умумий миллий дастури" доирасида ҳозиргача бир неча мактаб қурилиб фойдаланишга топширилган бўлса, ўнлаб таълим масканлари реконструкция қилинди ва замонавий жиҳозлар билан таъминланди.

Умуман, туман қиёфаси йилдан-йилга ўзгариб, чирой очмоқда. Бу албатта, туман иқтисодиёти янада мустақамланиб бораётганлигидан ва ислохотлар ҳаётга изчил татбиқ этилаётганлигидан далолат беради.

Хосил КАРИМОВ, "Хуррият" муҳбири.

АЙТГАНЧА

СОҒЛОМ келажак, фараовон турмуш гарови



ака-ука, опа-сингил, ака-сингилларнинг фарзандлари ўртасидаги никоҳни тақдирламайди, лекин тиббиёт нуқтаи назаридан бу қариндошлар ўртасида никоҳ тузиш мақсадга мувофиқ эмас. Чунки қон яқинлиги ногирон, заиф ва руҳан носоглом болалар туғилиши эҳтимолини кўпайтиради. Ўзгариш соғлом туғилган тақдирда ҳам, уларнинг болаларида ирсийат билан боғлиқ касалликлар учраши мумкин. Шунинг учун ҳам соғлом оилани вужудга келтириш, келажак авлод саломатлигини йўлга қўйиш, оила муносабатлигига замин тайёрлаш мақсадида Қорақалпоғистон Республикасидаги ҳар бир туман, шаҳар ФХДЭ органларида "Ёш оила мактаби" ўқув - машғулотлари ташкил этилмоқда. Бу ўқув-машғулотларда фуқаролар тиббий-ҳуқуқий билимларини мустақамлаб бераётдилар.

Никоҳ бу — оила пойдевори. Никоҳланувчиларни тиббий қўриқдан ўтказишни йўлга қўйиш ва "Ёш оила мактаби" ўқув - машғулотларини ташкил этиш ҳамда мана шу ишлар замирида никоҳнинг янада мустақам бўлишига эришиш — фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва саломатлигини таъминлашга қаратилган устувор вазифаларнинг амалдаги татбиғи десак аниқ эмас.

Оралбай ДЖУМАНЯЗОВ, Қорақалпоғистон Республикаси адлия вазирининг биринчи ўринбосари.

Тиббий кўрик

Ёш оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ёш авлоднинг маънан бой ва жисмонан соғлом қилиб тарбиялашнинг самарали тизимини амалга ошириш «Ёшлар йили» Давлат дастурида белгиланган асосий вазифалардандир. Бу эса кўп жиҳатдан турмуш қураётган ёшларнинг соғлигини мустақамлашга, уларда ирсий ёки юқумли касалликлар бориши йўқлигини аниқлаб, ўз вақтида даволаш чораларини кўришга боғлиқ. Мазкур вазифани бажаришда никоҳланувчи шахсларни тиббий қўриқдан ўтказиш муҳим аҳамият касб этади.

Амалиётда никоҳланувчи шахслар кўпинча тиббий қўриқдан ўттишга етарлича эътибор бермайдилар, бунинг натижасида тўйдан кейин айрим келин-куёвлар ўртасида турли тушунмовчиликлар вужудга кела бошлайди. Касалликдан беҳабар бўлган эр ёки хотин уни даволаш чораларини ўз вақтида қўрмаганлиги сабабли оилада ногирон болаларнинг туғилиши кузатилади. Шу сабабли ҳам 2002 йилда Оила кодексининг 17-моддасига ўзгариш киритилиши муносабати билан "Никоҳланувчи шахсларни тиббий қўриқдан ўтказиш тўғрисида"ги Низом тасдиқланган.


Низом бўйича никоҳланувчи шахслар қўриқда касалликлар бўйича, яъни руҳий хасталиклар (шизофрения, эпилепсия, олигофрения), нарколептик касалликлар, тери-таносил касалликлари, сил касаллиги, ОИВ/СИТС озабидан тиббий қўриқдан бепул ўтдилар. Тиббий қўриқдан ўтиш мўддати никоҳланувчи шахслар тиббиёт муассасасига мурожаат қилган кундан бошлаб икки ҳафтадан ошмаслиги керак. Унинг натижалари тиббиёт муассасасининг ҳулоса-маълумотномасида акс эттирилиб, муҳр ва раҳбар имзоси билан тасдиқланади. Никоҳланувчи шахсларни тиббий қўриқдан ўтказиш чоғида уларнинг биттаси ёки ҳар иккаласида юқорида номли келтирилган касалликлар аниқланса, томонларнинг ушбу текшириш натижаларидан хабардорлиги тасдиқлангандан кейингина никоҳ қайд этилади. Беморлар белгиланган тартибда даволашни муассасаларига юборилади.

Жорий йилнинг олти ойи давомида Қорақалпоғистон Республикасининг туман, шаҳар ФХДЭ бўлимларида 8921 та ҳуқуқлиқ никоҳдан ўтиш учун ариза билан мурожаат қилган бўлса, шундан 17811 та фуқарога тиббий қўриқдан ўтиш учун ФХДЭ органлари томонидан йўланма берилди. Шу вақт оралиғида жами 8317 та никоҳ қайд этилди ва никоҳ қайд этилиши вақтида никоҳланувчи фуқаролар тиббий кўрик натижалари билан таништирилди. Етмиш кишида юқорида айтиб ўтилган

касалликларга чалинганлиги аниқланган тиббий кўрик натижалари иккинчи тарафга таништирилди ва ҳуқуқлари тушунтирилди. Фуқароларга қулайлик яратиш мақсадида "Никоҳланувчи шахсларни тиббий қўриқдан ўтказиш тўғрисида"ги Низомнинг 2-бандига ўтган йили ўзгариш ва қўшимчалар киритилган. Унга кўра, никоҳланувчи шахслар энди 50 ёшдан ошган бўлса, тиббий қўриқдан ўтказиш фақат уларнинг розилиги билан ўтказилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги ФХДЭ бўлимлари томонидан жорий йилнинг ўтган олти ойи давомида 50 ёшдан ошган никоҳланувчи фуқаролардан 27 таси кўриқдан ўтган бўлиб, фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва саломатлигини таъминлашга қаратилган устувор вазифаларнинг амалдаги татбиғи десак аниқ эмас.

Ўзбек ва шу жумладан, қорақалпоқ оилаларида жуда яқин қариндошлар кўнда-анда бўлиши, қариндошлик муносабатлари янада мустақамланиб, ажралиш ҳолатлари йўлга қўйилмайди деган тушунча мавжуд. Тўғри, оила тўғрисидаги қонун ҳужжатлари



— Гаров шартномасини тузиш, унинг турли ва мажбуриятлари ҳақида батафсилроқ маълумот берсаларингиз. Ойгул ЭРҒАШЕВА, Кўкон шаҳри

Бир шахснинг бошқа шахсга мол-мулкни ёки унга бўлган ҳуқуқни мажбуриятлари таъминлаш учун бериши гаров ҳисобланади. Гаров шартнома ёки қонун асосида амалда юзга келади.

Гаров турлари Гаров закат, ипотека, шунингдек ҳуқуқлар гарови тарзида амал қилиши мумкин. Гаров қўйиладиган мол гаровга қўювчи томонидан гаровга олувчига ўтказилганда гаров закат деб ҳисобланади.

Кўчмас мулкни гаровга қўйиш ипотека ҳисобланади. **Гаров ҳуқуқининг вужудга келиши** Гаров ҳуқуқи гаров тўғрисида шартнома тузилган пайтдан ёхуд башарти шартнома тасдиқлангани шарт бўлса — нотариал тасдиқланган пайтдан, шартнома рўйхатдан ўтказилгани шарт бўлганда эса — у рўйхатдан ўтказилган пайтдан бошлаб вужудга келади.

Бино ёки иншоот ипотекасининг алоҳида вазифаси Бино ёки иншоот ипотекасига айни бир вақтнинг ўзида ўша шартнома бўйича шу бино ёки иншоот жой-

лашган ер участкасини ёхуд бу участканинг гаровга қўйиладиган объект ишлашни таъминлайдиган қўшимча ёки гаровга қўювчига қарашли бўлган ушбу участкани ёхуд унинг тегишли қўшимча ижарага олиш ҳуқуқини бир вақтда ипотекага қўйган тақдирдагина йўлга қўйлади.

Гаровга қўйилган мол-мулкни васият қилиш мумкинми? Ҳа, мумкин. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 277-моддаси 3-қисмига биноан гаровга қўювчининг гаровга қўйилган мол-мулкни васият қилиб қолдириш ҳуқуқини чеклайдиган қелишув ўз-ўзидан ҳақиқий эмасдир.

Гаров нарсасини алмаштириш Гаров нарсасини алмаштиришга, агар қонунда ёки шартномада бошқа тартиб назарда тутилган бўлмаса, гаровга олувчининг розилиги билан йўлга қўйлади.

Гаровнинг бекор бўлиши Гаров қийдаги ҳолатлар бекор бўлади: 1) гаров билан таъминланган мажбурият бекор бўлганда; 2) гаровга қўйилган мол-мулкнинг йўқолиши ёки

шиқастланиши ҳавфни туғдирадиган даражада қўпол суратда бузганда гаровга қўювчи гаровни мўддатидан олдин бекор қилишни талаб қилишга ҳақиқат бўлганлиги сабабли бундай асослар бўлганда гаровга қўювчининг талаби билан;

3) гаровга қўйилган ашё нобуд бўлганда ёки гаровга қўйилган ҳуқуқ бекор бўлганда (агарда гаровга қўювчи Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 276-моддаси 2-қисмида назарда тутилган ҳуқуқдан фойдаланмаган бўлса);

4) гаровга қўйилган мол-мулк қиммати савдо-сидат сотилган тақдирда, шунингдек, уни сотиш мумкин бўлмаган тақдирда.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодексининг 287-моддасига мувофиқ гаров билан таъминланган мажбурият бўйича қарз бошқа шахсга ўтказилган бўлганда, агар гаровга қўювчи кредиторга янги қарздор учун жавоб беришга розилик берган бўлмаса, гаров бекор бўлади.

Юнусобод тумани 1-сонли давлат нотариал идораси нотариуси Дилноза АДИЛОВА жавоб берди.

СЎРАГАН ЭДИНГИЗ

Гаров шартномаси

ЎЗБЕК ФЕЪЛИ

Савоб

Эгамқул ота саксон ёшга яқинлашиб қолган. Болаларининг барчаси ўйли-жойли. Ҳозир қарилик ҳаётини суряпти, ҳаётини рози. Кенжа ўғли билан Яншиер шаҳрида истиқомат қилади. Бир ўғли Тошкентда яшайди. Яқинда пойтахтга бориб даволанди. Баракани топишсин дўхтирлар яхши қарашди, ўғли, келини ва неваралари деярли ҳар кун хабар олиб туришибди.

Тошкентдан уйига қайтишда Гулистонга тушиб, бозорга кирди. "Қиш келаяпти, иссиқроқ махси олсам", — деб ўйлади отахон. Бозор четида қурилиш кетаётганлиги сабабли чуқурликда ёмғир суви тўпланиб қолибди. Аксиза олиб, Эгамқул отанинг оёғи сирпаниб кетиб, сувга йиқилиб тушибди. Кийим-боши сув бўди, ён-атрофдаги одамлар югуриб келиб, у кишини турғизди. Отахоннинг бадани жунжунди. Шунда ёши чамаси 35 ларда бўлган бир йигит отахоннинг аҳволини кўриб, уни машинасига ўтказиб, уйига олиб борибди. Ҳўл бўлган кийимларини аёлга ювдирди ва унга бошқа кийим-боши берди. Кейин ўзини иссиқ ҳаммомга олиб кирди.

Кийимлари қуригунча йигит меҳмон билан суҳбатлашиб, чой ичибди. Бир-икки соат ўтар-ўтмас кийимлар қуриди. Мезбоннинг "Қолинг, бир кун меҳмон бўлиб кетасиз" дейишига отахон унамади. "Уйимга, Яншиерга боришим керак", — деб йўлга отланди. Шунда мезбон йигит Умнатқул отани машинасида катта йўлга чиқариб Яншиерга борадиган машинага ўтказиб, ҳайдовчига пулини тўлади.

Эгамқул ота бир неча кундан кейин одамлардан сурштириб билди, унга яхшилик қилган одам бозорда қассоблик қилдиған Карим исмли йигит экан.

Хосил БОЛТАЕВ


Ёлланган КИМСА сўзидан қайтди...

Карнай-сурнай садолари остида ўтган тўй келин-куёв хотирасида бир умр сақланади. Оила деб аталмиш буюк кўрган остонасига эр-хотин масъулиятини елкага олган йигит ва қизни олдинда "Рўзгор" деб аталган синов кутади. "Эр-хотин — кўш ҳўкис", деб бежиз айтишмаган. Эрак тадбиркор, аёли оқила бўлса, оила тинч, фарзандлари тарбияси жойида, ҳуллас, ҳаммаси рисоладагидек бўлади. Билмак, оила сардори ичкиликка ружу қўйган, ишўқмас, аёл эса ўз ўрнини билмайдиган, тили ханжардек ўткир бўлса-чи?

Дилором ҳамда Фармон 1994 йилда не-не орзулар билан бир ёстиққа бош қўйишди. Икки нафар фарзанд — уларни боғлаб турган ришта. Ўн тўрт йил кам мўддат эмас. Албатта, бу оиланинг бахтли, шодон кунлари ҳам бўлган. Бироқ Фармон ҳеч қачонда ишламай, ичкиликка муккасидан кетганидан сўнг рўзгор араваси гилдираги издан чиқа бошлади. Оғир аҳволга тушаётган оиласини оёққа турғазини, пул топиш Дилоромнинг зиммасига тушди. Боз устига эри унинг кўнглини кўтариш ўрнига қўлини тиймасди. Муттасил камситилиш, ҳўрланишлардан беэиз чет давлатга ишга кетган аёл эрининг тузалишидан умидвор эди. Бироқ Фармон хотини хориждан қайтган яна эски одатини бошлади. Дилоромнинг оиласидаги мижозлар кўни-қўшни, яқинларига маълум эди. Нахотки, муроса мадора йўлини танлаш қийин бўлса?..

— Ажраламан! Қачонгача чидашим мумкин, ахир? — Мендан тириклигин ажрала олмайсан! — жаҳл жазавасида кўзларидан ўт чакнади эрининг.

Воқеалар ривожига мос тарзда бир китобдаги ҳаёт ҳақиқати воқеасини ўқувчи ҳўкмига ҳавола этишни лозим топдик: "Ўз аёлининг соғлигини асраган эрак ақлидир. Чунки, аёл қанчалик асралса, ўшанчалик илҳос билан жуфтига хизмат қилади. Аёлининг асаби, кайфияти тинч бўлса, болалар чарақлаб, эр



ярақлаб юради. Оиланинг ҳақиқий бахти шудир. Оила тарбиясини удалаган, ўз умрини азиз биландиган одам аёли билан тил топишди. Рўзгорнинг бу мушқулотиға қилдмай ичкиликка берилсангиз оилангиз бузилади. Эри ичадиган аёл энг бахтсиз аёлдир. Бундай отага фарзанд бўлган болалар дунёда энг ўқисқидир."

Жияни Мақсудни кўриб кўзлари ёшланди Дилоромнинг.

— Бу аҳволда ортиқ яшай олмайман. Қандай қилиб бўлса-да бирор йўлини топишимиз керак.

ҚИЛМИШ

— Нима ҳам қила олардик? — Одам топ. Пулини мен бераман. Етмаса тиллаларимни сотаман. Уриб ўлдириш керак бунақа эрни, — тамоман шайтон измига тушган аёл шу йўл билан ўч олмақчи эди, гўё.

Холасининг аҳолини кўриб ачинган Мақсуд ҳам бироз ўйланиб қолган эди. Лекин аҳволни ақл билан мулоҳаза қилиб ўтирмади. Тошкентда бирга ўқиган курсдоши Санжар Холиқовни телефон орқали Бухорога таклиф қилди. Холасининг ҳаёти ҳақидаги Мақсуднинг ҳўқоқсидан таъсирланган Санжар ҳам унинг фикрига қўшилди.

— Бу иш қўлимдан келмайди-ю, аммо одам топиб беришим мумкин.

— Нима бўлгандаям поччани йўқотиш керак.

— Айтдимку, Когонда бир неча марта "Ўтириб" чиққан танишим бор. Пулни эшитса, йўқ демас...

Ёлланма қотил Толиб Сувоновга Фармон Хусеновнинг иккита рангли фотосуратини келтирган Мақсуд воқеа тафсилотларини обдон тушунтирди.

— 26 январь кечқурун поччам Галаосиёдаги "Муҳайё" ресторанига жиянининг тўйига боради. Ўлгудек ичкиликни яхши кўради. — "Хўшёр одамдан кўра маст кишини гўмдон қилиш осонроқ", — демоқчи бўлди-ю, яна тилини тийди.

Бу "операция" нархи 1200 АҚШ долларга келишилди.

— Ҳеч бўлмаса 300 долларни бир-икки кун олдин келтирсангиз, — деди "киллер".

— Майли, учрашамиз.

Олий маълумотли йигитлар ҳам, икки боланинг онаси Дилором ҳам одам ўлдириш кечирилмас гуноҳ эканлигини, ўта оғир жиноят эканлигини сира ўйлаб қўришмади.

Омонат илиниб турган меҳр ришталари узилишига бир баҳа қолган. Нафрат алангаланган аёл юрагига "болаларимнинг отаси-ку", деган ўй "меҳмон" ҳам бўлмади. Бироқ қўлимга қандай элланма "қотил"нинг панжара орти ҳаёти ёдига келдики, ё дилга Аллоҳ инсоф ато этдики, "Одам ўлдириш... йўқ, бунга тегишли идораларга билдиришим керак", — деб ўйлади.

Шу тўғри фикр туфайли бу қабиҳ жиноят содир этилмай қолди. Бир инсон ҳаёти сақлаб қолинди. Аммо қонуний йўлни қўйиб, поччасини ўлдириш режасини тузган Мақсуд Худойкулов, ўйламай-нетмай дўстга ёрдам бермоқчи бўлган Санжар, турмуш ўртоғи, ҳаётдаги ҳамроҳи, воқеа етмаган фарзандларининг отасини ўлдириш учун одам ёллаган Дилоромнинг аҳволи, жазо мўддатини ўтаб қайтганидан кейинги тақдирини нима бўлади? У болалари кўзига тик қарашга ботина олармикан?..

Отабек ТОШЕВ, Жиноят ишлари бўйича Бухоро вилоят суди судьяси. Моҳира ШАКАРОВА, журналист.

ТЎРТИНЧИ ҲОКИМИЯТ

Журналист жамиятнинг кўзи ва виждони бўлмоғи керак

— дейди "Mash'al" радиоси раҳбари Рўзимухаммад ИКРОМОВ

(Бошланғич 1-бетда.)

Бугунги кунда мамлакатимиздаги турли йўналишдаги матбуот ва оммавий ахборот воситаларининг сони мингдан ортиқроқни ташкил этади. Бунинг устига дунёда коммуникация технологиялари жадал суратлар билан ривожланиб бормоқда. Ахборот айланиш тезлиги ҳам тобора кучайган.

Шу ўринда ахборот тарқатиш тезлигининг тобора ортиб бораётгани ҳақида тасаввур уйғотувчи айрим рақамларни келтириб ўтсак: бундан 50 йил аввал 30 саҳифали матни 5 минг километрга юборишга камидан 9 кун керак бўларди. Бунинг учун 30 АҚШ доллари тўларди. Бундан 20 йил аввал эса, худди шу 30 саҳифа матни факс орқали ўша манзилга етказиш учун 1 соат вақт ва 50 доллар талаб қилинган. Хозирги кунда худди шу иш учун 3 сона ҳамда 3 цент кир-ғи, холос. Демак, кейинги 50 йилда ахборот узатиш 300 марта тезлашган, нарх эса минг баробар арзонлашган. Ана шу рақамларнинг ўзиёки бугунги кунда ахборот бозорининг жадал ривожланиб бораётгани, жамиятда ахборотга бўлган талабнинг ортаётгани ва айти пайтда соҳага оид технологияларнинг ҳам жадал ривожланиб бораётганини кўрсатади.

Тараққиёт шиддатли тус олаётган XXI асрда радионинг рақобатчилари кўпайса кўпайдики, асло камаймайди. Кўп сонли рақобатчилар бу курашда унинг кучисиз томонларидан фойдаланишга уринади. Радио эса ўз афзалликларини ишга солган ҳолда ҳимояланади.

Шунингдек, радио аҳолининг газета ёки журнал ўқимайдиган, телевизорни кам кўрадиган қатламлари эътиборини ҳам жалб этиб, уларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжини қондиради.

Ҳаёт, тараққиёт давом этар экан, радио ўз макенини сақлаб қолиш учун курашда давом этаверади. Хозирги кун нуктаи назардан қараганимизда радио тингловчининг ҳаётига кўтаринкилик ва мазмун бағишлайди. Бевоқиф эфирга берилмаётган сўнги янгиликлар орқали тингловчини ён-атрофда кечаётган воқеа-ҳодисалар

га боғлайди, шўх куй-қўшиқлар воситасида кайфиятини кўтарди, ўзини ёлғиз ҳис этишига йўл қўймайди.

— Айти пайтда турли савия, турли йўналишдаги FM каналларнинг кўплиги ёш тингловчиларнинг енгил-елли руҳдаги куй-қўшиқлар ва саёз эшиттиришлар таъсирида улғайишларига ҳам сабаб бўлаётди. Рўзимухаммад ака, сийқа радиолойҳаларнинг сони ошиб бораётгани, сўзида ҳам, оҳанг-гиди ҳам мантиқ бўлмаган қўшиқларнинг эфирга узлуқсиз берилмаётгани ҳозирги рақобат муҳитида ёшларни ўз каналларини тинглашга жалб этишининг бир усулими ёки бу ўткинчи бир жараёни? Сиз ҳам шундай FM каналларни тинглайсизми?

— Мен аминманки, сиз айтган каналларнинг, шунчаки тингловчини жалб қилиш учун нардан бери тайёрланаётган эшиттиришлари умри узоқ бўлмайди. Халқнинг ўзи саракани саракка, пучагини пучакка ажратиб қўяди. Яна бир гап. Агар кузатаётган бўлсангиз, бугун том маънода ўзликка қайтиш бошланганди. Ҳатто ёшларимиз ҳам мумтоз куй-қўшиқларни берилиб тинглашяпти. Демак, айтиш мумкинки, енгил-елли оҳанглар, саёз эшиттиришлар тайёрлаётган радиоканалларнинг «машхурлик» даъво қилишари ҳам ўткинчи жараён. Халқ барибир ижтимоий юки бўлган, мазмунли ва қизиқарли лойиҳаларни топади, шундай радиоканалларнигина тинглайди. Мен ҳам баъзан тингловчининг гашига тегадиган эшиттиришларни радиоканаллар орасидаги фарқларни қиёслаш, ҳаво тўлқинларидаги бугунги жараёни кузатиш учун ҳам тинглаб тураман.

— Энди бевоқифа "Mash'al" радиоканалидаги ижодий жараён ҳақида маълумот бериб ўтсангиз. Кузатишимча, бугун канал дастури сезиларли даражада янгиланиб борапти.

— Президентимизнинг 2005 йил 8 ноябрдаги «Мустақил телерадиоканалларни ислох қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ҳамда 2005 йил 27 декабрдаги қарор асосида "Mash'al" радиоканали "Спорт" телеканали билан бирлаштири-

либ, "Спорт" телерадиоканали давлат унитар корхонасига айлантирилди. Унинг зиммасига спорт соҳасида эришилаётган ютуқларни ёритиш, унутилиб бораётган халқ уйинларини тиклаш, оммавий спорт тарғиботини кучайтириш, соғлом турмуш тарзини яратиш каби вазифалар юкланди. Хозирда журналистлар малакасини ошириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, эшиттиришлар савияси, мазмун-мундарижаси қайта қўриб чиқилиб, бугунги кун рўйига мослаштирилмоқда.

— Айниқса, спорт шинавандалари орасида бу канал мухлислари кўпчиликини ташкил этмоқда, назаримда. Бунда спорт муҳарририяти ходимларининг хизмати катта бўлса керак.

— Тўғри, радиоканалнинг «Спорт дастурлари» муҳарририяти томонидан аҳолининг кундалик ҳаётида спортнинг ўрнини янада ошириш, бола-лар спортни, оилавий спортни тарғиб қилиш мақсадида тайёрланадиган эшиттиришлардан ташқари спортчиларимизнинг халқроқ аренадаги иштироки, хориж спортни хабарлари, Олимпия, жаҳон ва Осиё чемпионатлари, йирик халқроқ турнирлар ҳақида маълумотлар, мусобақалардан уштуруладиган тўғридан-тўғри репортажлар, «Спорт» радиовикториналари каби дастурлар эфирга узатилиб келинмоқда. Энг тезкор маълумотларни айнан шу каналдан топиш имкони борлиги учун ҳам спорт шинавандалари "Mash'al"ни танлашаётган бўлишса ажабмас.

— Аммо фақат "Mash'al"гагина тегишли бўлган бир ўзига хослик борки, бугун янгиланиш, тингловчилар хоҳиши деган қарашлар атрофида ўша аъёнлар гўё кўринмай қолаётгандек...

— Хабарингиз бўлса керак, бу йил радиоканалнинг фаолият бошлаганига ўттиз йил тўлди. Ўтган давр мобайнида у тобора ривожланиб, ўзининг доимий мухлисларига эга бўлиб бормоқда. Тингловчилар яхши билишадими, ҳар қанча ўзгарши бўлмасин, фақат "Mash'al"гагина хос бўлган, уни

бошқа радиоканаллардан ажратиб турадиган жиҳатлар сақланган. Масалан, ҳар ярим соатда эфирга берилмайдиган «чорлов» (одатда «позивной» дейилади) шундайлигича сақланиб қолинди. Бу давр мобайнида тингловчиларни мамлакатимиз турмуш тарзини яратиш каби вазифалар юкланди. Хозирда журналистлар малакасини ошириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, эшиттиришлар савияси, мазмун-мундарижаси қайта қўриб чиқилиб, бугунги кун рўйига мослаштирилмоқда.

Радиоканалга хос бўлган, уни тингловчилар билан мустақам боғлаб турадиган яна бир жиҳат шундаки, бу каналда мумтоз қўшиқлар мунтазам бериб борилади. Ҳар кун соат 14 дан 05 дақиқа ўтганда эфирга узатиладиган «Улар қўшиқларда яшайдилар» деб номланган эшиттиришда юртимиз санъатининг буюк даргалари ижоди билан тингловчилар баҳраманд этиб бориляпти.

Тўғри, бугунги рақобат шартини ҳисобга олиб баъзи янгиланишлар ҳам бўлди. Хусусан, кадрлар билан ишлаш масаласида замонавий меҳнат қондаларининг жорий этилиши эшиттиришлар ижодий савияси сезиларли даражада ошишига, режиссура сифатини яхшилашига олиб келди.

Бунда аввало, радиоканалнинг бадий кенгаши таркиби қайта қўриб чиқилди ва фаолият мунтазам йўлга қўйилди. Ҳар ҳафта якунида бадий кенгаш ишларининг сарҳисоб қилиниши ва энг яхши эшиттиришлар муаллифи, бошловчиси, режиссёрининг моддий-маънавий рағбатлантирилиши ютуқларимиз омил бўлмоқда. Муҳарририяда соф ижодий рақобат бошланди. Натижада ходимлар томонидан бир-бирдан янги, бир-бирини тақрорламайдиган, айти пайтда аҳолининг дунёқараши ва қизиқишларига мос бўлган кўплаб лойиҳалар эфир юзини кўра бошлади.

— Очигини айтганда, бугун радиоканалларда йиллаб синовда юриб, ишга жойлаша олмаётган ёш, иқтидорли журналистлар ҳам йўқ эмас. Буни қандай изохлаш мумкин? Кадрлар танлашдаги талабчанликми ёки... Умуман, сиз



раҳбарлик қилаётган жамоада ёш ходимларга бўлган муносабат қандай?

— Журналистика жуда катта масъулият, билим, тиришқоқлик, тезкорлик, энг муҳими эса халқ ва Ватан манфаатларига уйғун бўлган фикрий уйғоқликни талаб этади. Журналист ўз жамиятининг кўзи ва виждони бўлмоғи керак. Албатта, бу қалам аҳлидан ижодий истъод, билим ва малакадан ташқари катта фидойиликни ҳам талаб этади.

Агар ижодкорда ватанпарварлик, ўзининг касбий бурчи тақозо этадиган даражада фидойилик, ўткир мушоҳада ва қатъий ҳаётий позиция бўлмаса, у бирон-бир масала-муаммони ўрганаётиб, машаққатлардан қўчиши мумкин. Негаки, ҳаёт муаммоларини журналист қалб кўзи билан кўриб турган бўлса ҳам уни эфирга олиб чиқиши, оммани ўз фикрига, нуктаи назарига ишонтирмоғи учун, кинобарин, ўша муаммони шунчаки тайёрламасдан, балки мазмунли аниқ мисоллар билан исботлаши ва бунинг учун зарур бўлган машаққатлардан қочмаслиги керак. Бугунги ёш журналистларда айти шу нарса танқисроқ кўринади.

Радиоканалимизга ишга кириш ниятида жуда кўп ёшлар мурожат қилишмоқда. Биз уларни синовдан ўтказамиз, бу пайтда улар иш жараёни билан танишиб, эшиттиришлар тайёрлашни ўрганадилар. Сўнги 2-3 йил ичида синовдан муваффақиятли ўтган 20 га яқин ижодкорлар шартнома асосида ишга қабул қилинди. Улар бугунги кунда халқимиз, тингловчиларимиз дидига мос эшиттиришлар тайёрлашмоқда. Бизнинг радиоканалимизда устоз-шогирд масаласига алоҳида эътибор қаратилади. Ҳар бир ёш ходим кўп йиллик тажрибага эга бўлган журналистларга бириктириб қўйилади. Улар ёш ижодкорларга касб сирларини ўргатишмоқда. Албатта, ишга кирмоқчи бўлган ҳар бир ходимга бугунги кун талабидан келиб чиққан ҳолда муносабатда бўлишмоқда.

— Сизнинг фикриңизча, радиоканалларда ишга кириш ниятида жуда кўп ёшлар мурожат қилишмоқда. Биз уларни синовдан ўтказамиз, бу пайтда улар иш жараёни билан танишиб, эшиттиришлар тайёрлашни ўрганадилар. Сўнги 2-3 йил ичида синовдан муваффақиятли ўтган 20 га яқин ижодкорлар шартнома асосида ишга қабул қилинди. Улар бугунги кунда халқимиз, тингловчиларимиз дидига мос эшиттиришлар тайёрлашмоқда. Бизнинг радиоканалимизда устоз-шогирд масаласига алоҳида эътибор қаратилади. Ҳар бир ёш ходим кўп йиллик тажрибага эга бўлган журналистларга бириктириб қўйилади. Улар ёш ижодкорларга касб сирларини ўргатишмоқда. Албатта, ишга кирмоқчи бўлган ҳар бир ходимга бугунги кун талабидан келиб чиққан ҳолда муносабатда бўлишмоқда.

Ситора ТОЖИДДИНОВА сўхбатлашди.



Кўрик низоми асосидами?

Хизмат юзасидан туманимиз поликлиникасида бўлган яқиндаги ўқининг никоҳ тўғрисидаги ўқитиш дастури учун ташкил қилинган. Салом-айликдан кейин унинг бу ерда нима сабабдан юрганлиги билан қўшқим. У менга қўшқим қўзғош тўтказди. Бу туман Қўшқим бўлимининг "Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш учун йўлланма"си эди. Мен ҳаяжонландим: "Йўлланма қўё билан келинга берилган экан-ку, бунинг учун сиз олиб юрибсиз қўшқимни янгиликдан никоҳдан ўтқоқимиз", дедим.

"Эҳ, нимасини айтасиз! Бунинг учун тўғрилик бермасам, улар шунинг ҳам эшломайдилар" — деб гина қилди у. Мен унга соғлом оилани шакллантириш, ирсиятига боғлиқ ва туман касалликларга қалинган болалар туғилишининг олдини олиш учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида бунинг амалда оширилишини тушунтирган бўлдим. Шунинг учун ҳар бир келин-куёв шахсан ўзлари руҳий нарқолик, таносил касалликлар, сил касаллиги ва ОИВ (ОИТС) юзасидан тиббий кўрикдан ўтишлари шарт. Чунки, улар шу мутахассислардан тўғридан олдин ўтиб, ўз соғлиқларини текширтирилган келгусида соғлом фарзандлар кўриб, бахтли турмуш кечириладилар. Ахир, соғлом ота ва онадан соғлом бола туғулади-ку!

Даволаниш муассасасида кўрикдан ўтаётган келин ва қўёнга белгилаш шаклида алоҳида тиббиёт картаси юришди, унда кўрикдан ўтувчиларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатли маълумотлар ҳамда текширув натижалари тўлиқ ҳажмида аса эътирилади. Буларнинг барчаси бепул амалда оширилади.

Дўстим меннинг бу гапларимдан «ўзи ҳам хабардорлигини» айтди. Лекин... У кетгач, уйга тоқдим. Эртанга келин-куёв кўрикдан ўтиш учун келса ҳам бу қарор ва Низом талабларига эриш-ку! Чунки тўғри бўлиб ўтган. Кўрикдан ўтиш эса тўғридан олдин бўлиши керак эмасми?

И.НОРМАНОВ, "Туран ҳаёти".

Топганинг ҳалол бўлсин

Шўқрим, бозорларимиз мева-чева, қант асал, ҳар хил егулгу пишиқларга тўла. Афсуски, ҳайит ва бошқа байрам кунлари бозорларда нарх-наво осмон қадар бўлилади. Бу инсофдан эмас. Сабабини суриштирсангиз, сотувчилар тижоратнинг ҳам осон эмаслигини, молларни "оптом"дан ҳам қимматга сотиб олишганини пеш қилишди.



Бозор расталари орадаб юрар эканмиз, кўпчилик харидорларнинг "сотувчилар нимонини ҳам пулга олишиб қўйибди", деган гаплари қўлоғимизга қалинади. "Мана шу ярим кило болонини 7200 сўмга олдим. Тароздан ҳам уриб қолди, шекалли!" деди ёш қирқларга яқинлашиб қолган бир киши.

У киши билан бозор тарозибони сари йўл олдик. 500 грамм деб сотилган болонининг оғирлиги, бор-йўғи, 370 грамм қилди. Ана, холос!

Бизни нарироқда кузатиб турган яна бир қария мийғида қулганча гапта аралашди:

— Мен ҳам чув туширишмоқчи бўлишди, тушмагурлар. Кекса тарозига кўзи ўтармиди, деб ўйланди чоғи. Аммо эсимни таниманки, деҳқонман. Қуллар тарози бўлиб кетган. Э, болам, бу ёғини сурангиз, бозорда олибсатарлар тўлиб кетган. Улар кўпроқ "ишлаб олиш"ни ўйлашадилар. Аммо топганлари татирмиди. Ҳар бир кишининг топгани ҳалол бўлса буюради!

Лайло ҲАЙИТОВА, "Маърифат гулини" (Наманган).

Ўпқон

ёки Ромитан тумани собиқ ҳоқими Аскар Нозимов ва унинг ҳаётдошлари кирдиқорлари ҳуусида

2007 йилнинг 31 март кун "Ўздавнефтегазиспекция" мутахассислари туманда газдан фойдаланиш ҳолатини ўрганишаркан, "Тарнаут" фермер ҳўжалигига қарашли иссиқхона ҳам бўлишди. Улар бу ерда табиий ёқил ресурслардан ноқонуний фойдаланиб келинаётганини аниқлаб, ҳўжаликка 215 миллион сўм миқдорда жарима қўйилди. Афсуски, ўша вақтда бу маблаг ундирилмади. Чунки масалага туман ҳўқими Аскар Нозимов аралашди. У "Тарнаут"нинг манфаатларини қўлаб "Ромитангаз"нинг собиқ раҳбари А.Қўшасвага 13 март кун гўё фермер ҳўжалигига раҳбари 12 мартда газни иссиқхонада ёқиб тўғрисида мурожат қилди, шунинг учун ҳам унга табиий газни ишлашга рухсат берилди деган мазмунда сохта ҳўжжат тузиш, қалоқчи маълумотларни эса фермер Ражаб Рустамов тақдим этиши тўғрисида озаки топшириқ берилди. Судда аниқланишча, ҳўқимнинг жиний шериги — 2004 йил 3 майдан "Тарнаут" раҳбари газдан фойдаланиш қондаларини бузиб, ўзбонимчилик билан "Ойнабанда" иссиқхонасидаги газ ишлашнинг ускуналарини ҳаракатдаги газ тармоқларига улаб, умумий қиймати 51 миллион 20 минг 161 сўмлик бўлган 1 миллион 172 минг 897 куб метр миқдордаги газдан ноқонуний фойдаланиб келган...

Ишлатини ускуналарини ҳаракатдаги газ тармоқларига улаб, қиймати 426 минг 790 сўмлик жами 9278 куб метр миқдордаги ресурслардан асосиз фойдаланган...

Аскар Нозимовнинг жиний ҳаракатлари анча давом этган. У жиний уюшма аъзолари "Тарнаут" фермер ҳўжалиги раҳбари Р.Рустамов ва бош ҳисобчи Э.Ражабов билан ўзаро тил бириктириб, мансаб ваколатини суиестемол қилиб, ундан қасддан фойдаланиш оқибатида 2004 йил 3 майдан "Тарнаут" раҳбари газдан фойдаланиш 41 минг 700 сўмлик миқдордаги солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоботдан яшириб кўрсатиб, уларни тўлашдан қасддан буйин товлал келганлар...

Нафа балосига учраган собиқ ҳўқим ва унинг ҳаётдошлари бундан бошқа яна бир қатор қинғир ишларни ҳам амалда оширишган. Уларнинг қилмишлари жаноғ ишлари буйича вилоят судида кўриб чиқилди. Суд собиқ ҳўқим ва унинг шерикларининг аниқ қисмати бошқаларга ҳаётий сабоқ бўлиши, жиноятчи қўл урган шахс қимлиги, қандай маъқета этилишдан қатъи назар, албатта тегишли жазосини олишни эслаб қўйди.

Отабек ТОШЕВ, "Бухоронама".

Азим РЎЗИЕВ тайёрлади.

Обод юрт кўрки

(Бошланғич 1-бетда.)

Овқати вақтида, юриш-туриши назоратда. Ахир бу шариотни яратган Юртбошимиз ҳаммининг боласи бирдай касб ўргансин, ҳунарли бўлсин, отанасини ҳадеб уринтиравермасин дегани эмасми? — дейди Абдуҳолик ака сўхбатни кизитиб.

Бугунги кунда Тошкент вилоятида юзга яқин касб-ҳўнар коллежлари фаолият юритмоқда. Уларда ўнлаб касбларга йўналтирилган соҳалар бор. Энг қувонарлиси шундаки, коллежларни битираётган ёшларга ўз қишлоғида ҳам иш топишмоқда.

— Бизнинг собиқ "Ҳақиқат йўли" ширкат ҳўжалигимиз худудида бугунги кунда 42 та фермер ҳўжалиги бор, — дейди фермер Ўсарали Нишонов. — Ҳисоб-китобим пухта бўлсин, деган фермер битта ҳисобчиға, ҳуқуқшуносга албатта эҳтиёж сезади. Демак, 42 нафар ҳисобчи, 42 нафар ҳуқуқшуносга иш бор, фақат ёшларимизнинг билимлари пухта ва мустақам бўлиши керак. Мен бу йил туманимиздаги иқтисодиёт коллежини битирган икки ёшни ишга олдим. Бири ҳисобчи, бири эса бошқарувчи бўлди. Ёшлар иш ўргансин, тажриба йиллар билан келадилар.

Қишлоқ айлансангиз одамлар сизга қизиқ гаплардан топиб беради. "Олти ўғил" қишлоғидаги гузар олдида чинор дарахти бор. Тагида ёғоч қаравот қўйилган. Гузар деганимиз: новвойхона, сартарошхона, пойабзал устaxonаси ва кичик чойхона. Шу ерда ҳам гап қизийди.

— Зап қизиқ замонни кўрган эканмизда, Холдор бува, — дейди бирови ҳаммининг диққатини ўзига тортиб. — Яқинба бўлди деганча болаларнинг туфли-ботинкаларини хуржунга жойлаб, ўзларининг қўлидан ушлаб район марказига борарканмиз-а. Устага туфли-ботинкаларни яматиб, болаларнинг сочини сартарошга олдириб, қош қорайганда уйга кириб келар эканмиз-да.

— Э, у пайтда қишлоқда устачилик қиламан деганининг бошини олишарди, — деди Холдор бува ҳам ганини уйнаб. — Тадбиркор бўлман деб биров гавдасини кўтармаган, болам. Замонни қара, ҳамма қўлини ишга урган. Менинг бир неварам фотоаппарат

сотиб олди, устaxonа очаман дейди. Таваба, қишлоқда ким суратга тушар экан...

— Мана биз тушамиз-да, бува, уч келин, уч куёв кўрдим. 16 неварга, 5 чевара бор. Ҳаммасини қақчириб суратга тушамиз, — деб Исоқ фермер ҳаммани қулдиради.


Давраларда хўшқачқалик ва самимият. Қулгуларда хўшқайфият. Шундай бахтга эришган халқнинг бугунига ҳам, эртасига ҳам кўз тегмасин!

Инсон ҳар кунни ҳам орзулар қилишдан қарчамайди. Айниқса кайфият яхши пайтда орзуларни катта олади. Мустақиллигимизнинг 17 йиллиги кунларида элининг кайфиятига, уларнинг орзу-умидларига, бир-бирлари билан бўлаётган ўзаро сўхбатлардан шу нарсани анласа бўладики, ҳамма яхши яшашга интилмоқда, болаларига илм бериш, касб ўргатиш иштиёқи эса жуда баланд. Зотан, замон ишбилармонлар замони бўлиб бормоқда, бунинг учун ақлни ишлатадиган, уддабуронлик кўрсатадиган пайтларининг кунни тугди. Энг қувонарлиси, фойдали ишнинг бошини тутганларни давлатнинг ўзи ҳар томонлама қўллаб-қувватламоқда, уларга ҳам маънавий, ҳам моддий ёрдам кўрсатмоқда.

Ўзбекининг кўкси тўла орзулари ичида иккита нарса алоҳида ажралиб туради. Биринчиси, ўзидан тортиб ҳар бир боласига атаб уй қуриш бўлса, иккинчиси тўй қилиш. Бу икки орзу унинг ҳаётдаги барча ҳавасларини ўз ичига олади. Шуниси қувонарлики, одамлар дид билан, файз билан уй-жой қуришга, ҳовлиларини мустақам қилишга, гулзорлар ташкил этишга ҳавас билан киришдилар. Бу фаровон турмуш белгиси, бу ҳаётдан миннатдорлик туйғуси. Оила тинч бўлса, фарзандлар камолдан кўнгил тўқ бўлса, қўша-қўша уйлар қуриб, қўша-қўша тўйлар ўтказилаверади.

Маълумки, мустақиллик йилларида истемдодли ва иқтидорли ёшларга бўлган эътибор янада кучайди. Турли кўрик-танловлар чекка-чекка қишлоқлардаги булоқларнинг ҳам кўзини очиб юборди. Айниқса, улар орасида "Келажак овози" кўрик-танлови катта салоҳиятга эга бўлиб бормоқда. Иқтидорли ёшлар бу танловга жуда катта қизиқиш билан қатнашиб, турли соҳаларда ўз истемдодларини намойиш этмоқдалар.

Ҳамид НОРКУЛОВ, "Хуррият" муҳбири.



«АСАКА» БАНК: МИЖОЗЛАР ИШОНЧИ ОРТМОҚДА

Ҳар бир мамлакат иқтисодиётининг барқарорлиги кўп жиҳатдан банклар фаолияти ва салоҳиятига ҳам боғлиқ. Шу боис, бу борада мамлакатимизда оқилона иқтисодий сиёсат юритилиб, тараққиётнинг мазкур омили — банклар тизимининг такомиллашуви ва фаоллашуви масалаларига-да ҳар томонлама эътибор бериб келинмоқда.

Шу ўринда албатта, у ёки бу банкнинг миждозлари қанчалик кўп бўлиб, улар билан ҳамкорлик қўлами кенг ва ўзаро ишонч мустаҳкам бўлса, иш ривожига ҳам, даромаду фойданинг салмоғи ҳам яхши бўлиши табиий ҳол. Буни давлат акциядорлик тижорат «Асака» банкнинг Андижон вилоятидаги филиали мисолида ҳам кўриш мумкин.

САМАРАЛИ НАТИЖАЛАР

Молия муассасамиз вилоятдаги йирик банклардан бири ҳисобланиб, асосий миждозларимиз «GM—Ўзбекистон» кўшма корхонаси ҳамда унга бутловчи қисмлар тайёрлаб берувчи еттига кўшма корхоналардир. Бундан ташқари, ишлаб чиқарилган автомобиллар реализацияси билан шуғулланувчи тўртта автодиллер ва «Андижон-автотехизмат» ҳиссадорлик жамияти, «Асакаавтосавдо» корхоналари ҳам бизнинг асосий миждозларимиз ҳисобланади. Шунингдек, республикамизнинг йирик стратегик корхоналаридан бири ҳисобланган «Андижонкабел» кўшма корхонаси ва Андижон механика заводи ҳам банкимиз миждозлари орасида алоҳида ўрин тутади.

Президентимизнинг «Банкларнинг капиталлашуви янада ошириш ва иқтисодиётни модернизациялашдаги инвестиция жараёнларида уларнинг иштирокини фаоллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қароридан нақд пулнинг банкдан ташқари айланишини янада қисқартириш, миждозларнинг биринчи талаби бўйича уларни нақд пул билан узлуксиз ва сўзсиз таъминлаш; минибанклар тармоғини кенгайтириш ва банклар томонидан кўрсатилаётган хизмат турларини кўпайтириш, миждозларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш вазифалари қатъий белгиланган. Мазкур қарорда кўрсатилган жиҳатлар эътиборга олиниб, банк томонидан тезкор ва кенг қўламли тадбирлар ўтказиш асосида яхши самараларга эришилмоқда.

Масалан, молия муассасасида нақд пул тушувлари бўйича кўрсаткичлар тобора ўсиб бораётганини алоҳида таъ-



кидлаш жоиз. Ўтган йилнинг саккиз ойи давомида умумий нақд пул тушуми 53497,4 миллион сўмни ташкил этган бўлса, жорий йилнинг ана шу мuddати ичида бу кўрсаткич 78443,5 миллион сўмга тўғри келди.

Қолаверса, банк масъул ходимларининг сайёҳаракатлари билан хизмат маданиятини изчил ошириб бориш, тарғибот-ташвиқот ишларини кенгайтириш, аҳолининг кенг қатламлари билан алоқани мустаҳкамлаш, даромад фойзи баланд омонат турларини жорий этишга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Аҳолининг бўш пул маблағларини банкка жалб этиш борасида ҳам муайян ишлар амалга оширилди. Бир неча омонат турлари жорий этилган бўлиб, улар фуқароларга маъқул бўлмоқда. Одамлар банкка пул қўйиб мўмай даромад олиб, тўй ва яхши кунларига ишла-тишяпти. Энг муҳими, бу билан аҳолининг банкка бўлган ишончи ортиб бормоқда. Бунга истаганча мисол келтириш мумкин.

Ана шундай ишларнинг натижаси ўларок, жорий йилнинг 1 январь ҳолати бўйича банкдаги аҳоли омонат қолдиқлари 7122 миллион сўмни ташкил этган бўлса, 1 сентябрь ҳолатига кўра ушбу кўрсаткич 7798 миллион

сўмга етди. Нақд пулсиз ҳисоб-китобларни янада ривожлантириш мақсадида пластик карточкалар тизимини кенгайтириш бора-

олият юритувчи савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларига ўрнатилди.

Бундан ташқари, филиалнинг жорий йилнинг ўтган 8 ойлик якунлари бўйича олган даромади 3167 миллион сўмни, соф фойда кўрсаткичи эса 313,6 миллион сўмни ташкил этганлиги ҳам юқорида тилга олинган самарадорликнинг яна бир инъикоси бўлиб турибди. Қолаверса, саккиз ойлик ҳисобот бўйича миждозлар сони 37125 нафарга етганлиги ва йил бошига нисбатан ушбу кўрсаткич 257 фоизга кўтарилди, уларнинг сони 22688 нафар шахсга кўпайганини мамнуният билан қайд этиш мумкин.

Банкнинг жами кредит қўйилмалари 11576,1 миллион сўмни ташкил этди. Ҳисобот даврида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига жами 1961,2 миллион сўм миқдоридан тижорат маблағлари ажратилди. Кредит портфелининг асосий қисми узоқ мuddатли кредитларга тўғри келиши фаолиятимиздаги ютуқлардан бири деб ҳисоблаймиз.

Банкда нақд пул тушум-



дан ташқари, «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларига чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарор ижросини таъминлаш мақсадида 139 та

қувонтириши турган гап.

РЕЖА ЧЕГАРА ЭМАС

Миждозлар орасида кредит олиб, иқтисодиётни мустаҳкамлаб олган жамоалар кўп. Улар махсулот ишлаб чиқариш, даромад олиш, одамларга иш ўринлари яратиш билан бирга, давлатга солиқ ва бошқа тўловларни тўлаб давлатимиз иқтисодиётини ҳам мустаҳкамлашга озми-кўпми уллушини қўшяпти.

Масалан, паррандачилик соҳасини ривожлантириш, аҳолига арзон ва сифатли пархез махсулотларини етказиб беришни қўллаб-қувватлаш мақсадида «Қамолот шаббодаси» жамоасига 200 миллион сўмлик узоқ мuddатли кредит ажратилди. Ана шу маблағ эвазига 40 минг дона жўжа, технологик жиҳозлар ва озуқа емлари сотиб олиниб, режалаштирилган ишлар тўлиқ йўлга қўйилди.

Энг асосийси, берилган кредитларнинг асосий қисми банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан ажратилди. Демак, бу молиявий муассасамизнинг иқтисодиёти мустаҳкамланаётганидан далолат беради. Бундай ютуқларга эришишда албатта, ходимларимизнинг ҳам хизмати катта.

кам таъминланган оилага 170,5 миллион сўм миқдоридан микрокредитлар ажратилди. Натижада улар сигир олиб, оилавий шароитини мустаҳкамлашга



сида ҳам изчил иш олиб борилмоқда. Жорий йилнинг 1 сентябрь ҳолатига «Иш ҳақи» лойиҳасига асосан 386 та корхона ва ташкилотлардаги 34397 нафар ишчи-ходимларнинг маоши пластик карточкалар орқали амалга оширилди. Ўз навбатида эса муомалага чиқарилаётган пластик карточкаларга хизмат кўрсатувчи 261 та терминаллар вилоятда фа-

ларини янада кўпайтириш мақсадида савдо-воситачиликка жами 1464,8 миллион сўм миқдоридан тижорат кредитлари ажратилиб, ташкилотлардаги 34397 нафар ишчи-ходимларнинг маоши пластик карточкалар орқали амалга оширилди. Ўз навбатида эса муомалага чиқарилаётган пластик карточкаларга хизмат кўрсатувчи 261 та терминаллар вилоятда фа-

ЁШ ОИЛАЛАР УЙЛИК БЎЛИШМОҚДА

Республикамиз Президентининг 2007 йил 18 майдаги «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида кўра, филиал томонидан ёш оилаларга ажратилган жами кредитлар 1559,6 миллион сўмни ташкил этди. Натижада 41 та ёш оила янги уй-жойлар билан таъминланган бўлса, яна 32 та ёш оила мамлакатимизда ишлаб чиқарилган уй-рўзгор молларини харид қилиши учун 370,6 миллион сўм миқдоридан истеъмол кредитлари олишди.

Шунингдек, Юртбошимизнинг «Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонидан келиб чиққан ҳолда тадбиркор аёлларга берилган кредит маблағлари 736,9 миллион сўмни ташкил этди. Бун-



муваффақ бўлишди.

Алоҳида эътироф этишни истардимки, банкимиз томонидан йирик инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш бўйича ҳам бир қатор ижобий ишлар амалга ошириб келинмоқда. Жумладан, замонавий меҳмонхоналар қуриш ва жиҳозлаш учун «Орион Техно Люкс» масъулияти чекланган жамиятига 500 миллион сўм миқдоридан узоқ мuddатли кредит ажратилди. Айна пайтда банк мижози томонидан меҳмонхона қуриш ишлари қизғин олиб борилмоқда. Объектнинг яқин орада фойдаланишга топширилиши меҳмонлар билан бирга вилоятимиз, шахримиз аҳлини

Республикамиз Президентининг 2005 йил 5 августдаги «Банклардаги депозит ҳисоб рақамлардан нақд пулдаги тўловларни узлуксиз таъминлаш кафолатлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, аҳоли ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг нақд пулга бўлган эҳтиёжларини уларнинг биринчи талабига кўра, депозит ҳисоб рақамларидаги маблағлар доирасида тўлиқ ва узлуксиз таъминлаш борасида нақд пул берилиши мониторинги бўйича алоҳида сектор ташкил қилинган бўлиб, «Ишонч телефонлари» телевидение ва матбуотда эълон қилиб борилади. Нақд пул захиралари ҳажмининг керакли миқдори банк томонидан белги-

ланиб, узлуксиз сақланиб келинмоқда.

Биз юқорида жорий йилнинг ўтган 8 ойлик иш натижалари ҳақида сўз юритдик. Шу кунларда ҳисоб-китоб таҳлиллари якунланаётган тўққиз ойлик иш самараларимиз бундан-да қувончли, албатта. Ишончимиз комилки, эришилаётган ютуқлар жорий йилни кўнглидагидек якунлашимизни таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Фаолият олиб боришимизда Президентимиз фармонлари ва ҳукуватимиз қарорлари дастуриламал бўлмоқда.

Мақсадимиз миждозларга жаҳон андозалари даражасида хизмат кўрсатиш, уларнинг таклиф ва хоҳишларини ҳисобга олган ҳолда ишни ташкил этиш, умуман мамлакатимиз иқтисодиётини мустаҳкамлашга ўз уллуши-мизни қўшишдан иборат. Айна пайтда миждозларимиз томонидан ишлаб чиқарилаётган махсулотлар рақобатбардорлиги ва импорт ўрнини боса олиши туфайли хорижга экспорт қилинмоқда.

Шунингдек, миждозларимиз орасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасининг вакиллари ҳам кўп. Уларнинг ялпи ички махсулот тайёрлашдаги ҳиссаси ортиб борапти. Буни истеъмол бозорида яққол кўриш мумкин.

Бирок ўз ўрнида шун ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, юқорида тилга олинган кўрсаткичлар биз ҳали ўз имкониятларимиз даражасида фаолият юритяпмиз, деган маънони билдирмайди. Банк хизмати маданиятини бугунги талаблар даражасига кўтаришда, миждозлар сифтини кенгайтиришда, аҳолидаги нақд пулнинг банкдан ташқари айланишини янада қисқартиришда, минибанклар тармоғини кенгайтириш ва хизмат турларини кўпайтиришда биз ҳали ишга солиб улгурмаган имкониятларимиз талайгина.

Акциядорлик тижорат «Асака» банкнинг Андижон вилоят филиали жамоаси ана шу йўналишларда изланяпти, ҳукуватимиз ва юқори ташкилотларимиз томонидан берилган кўрсатмалар асосида ва албатта, бево-сита кўп сонли миждозларнинг истақ-таклифларини ҳисобга олиб, хизмат сифати ва самарадорлигини ошириб бораверади.

Жамшид ҚОСИМОВ,
«Асака» банкнинг
Андижон вилоят
филиали
бошқарувчиси. ®



ЁДНОМА

Муҳрланган эътиқод

Хар қандай даврда ҳам матбуотнинг фидоий мухлислари бўлади. Улар қайси соҳада хизмат қилмасин, вақт топиб умрининг энг мазмунли лаҳзаларини матбуотга бағишлагга ҳаракат қилади. Айни пайтда нафақада бўлган иқтисод фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси Абдуборий Раҳимовни ҳам ана шундай инсонлар сирасига киритиш мумкин. У киши қишлоқ хўжалиги иқтисоди билан шуғулланган, масъул лавозимларда хизмат қилган.

А. Раҳимов Тошкент давлат аграр университетда талабаларга дарс бериш, шоғирдлар тайёрлаш билан бирга илмий изланишлар ҳам олиб борди. Шу боис кўплаб илмий-оммабоп, маънавий-маърифий мавзулардаги китоб ва рисоалар муаллифидир. Унинг республикамиз матбуотида ҳам маънавият, маърифатга бағишланган мақолалари тез-тез чиқиб туради.

Куйида эътиборингизга муаллифининг маънавият мавзусидаги мақоласини ҳавола қиламиз.



Х аётда шундай мўътабар ва табаррук зотлар бўладики, уларнинг нури жомили, жозибадор истараси орадан кўп йиллар ўтгандан кейин ҳам кўз ўнгида жонлангандай туради, ёқимли овозлари кулоғингиз остида жаранглагандай туюлади. Менинг назаримда Зиёвуддинхон ибн Бобохон ана шундай инсонлар сафида туради.

Мен у кишини турли йиғинларда кўрганман. Чунки муфтий падаримиз Раҳимхон Абдумажидхон ўғли билан қалин дўст бўлиб, учрашиб туришарди. Камина ҳам 1954 йилда Хастимомга бориб, у киши билан омонлашиш шарафига муяссар бўлган эдим.

Зиёвуддинхон катта-катта давраларда ваъз айтганларида ҳамма сув қуйгандек сукот билан тингларди. У тингловчиларни ҳисобга олар, йиғин аҳли нима сабабдан тўлланганлигидан келиб чиқиб сўхбат ўтказарди. Агар давр бирор таъзия билан йиғилган бўлса, мусибат чекаётганлар кўнглини кўтариб, сабр ва вазминликка ундоларди. Бордию бу йиғилиш бирор оила ҳаётидаги қувончли воқеа туфайли бўлса, айтадиган сўзлар хонадон соҳибининг қалбига малҳам бўлиб куюларди.

Муфтийнинг нутки шу қадар раван ва ёқимли эдики, тинглаган сайин эшитгингиз келарди. Ул зот ҳар бир сўзининг маъносига ургу бериб талаффуз этар, бир фикр мантиқий силсила каби иккинчи ва учинчи фикрга улашиб, бамисоли қўйилиб келарди. Бундай доно ва ҳаётий ҳикматларни чамбарчас ҳолда беҳато ифода этиш учун инсон нихоятда билимдон бўлиши, шу билан бирга ҳаётнинг турли ҳолатларини зийрак зеҳн ила кузатиши, шундан келиб чиқиб мустақил ҳулоса ясаши билиши керак.

Хар бир ваъз мумтоз асар даражасида бўлиб, уларни тинглаш натижасида маънавий оламнинг бойлиги турган гап. Ўша замонларда муборак ҳаж зиёратига бориш оддий фўқаролар учун ушалиши мушкул бўлган орзу эди, албатта. Ҳатто бу ҳақда ошқора гапиршига ҳамма ҳам журъат этавермасди. Шу маънода Зиёвуддинхон Бобохоновнинг Маккаи Мукаррамага қилинган ҳаж сафари ҳақидаги ҳикоялари барчани мафтун этганди. Бунга қараганки, Маккага бориш учун аввал Москвага, сўнг Қоҳирага, кейин у ердан Саудия Арабистонига бориш учун виза олишга тўғри келибди. Агар ўшанда кимдир келажакда шундай замон келди, ўшанда Ўзбекистонда зиёратчилар ҳукуматнинг гамжўрлигида тўғридан-тўғри Саудия Арабистонига ҳаж зиёратига эмин-эркин борадилар дейишса, ҳеч ким ишонмасди. Ҳаж зиёратининг ҳар бир қадами ҳақида муфассал маълумотлар берилганда ўша ваъзда. Биз, тингловчилар хаёлан ўзимизни ўша мўътабар ва муқаддас заминда юргандай ҳис қилардик. Муфтий шундай шарафга муяссар бўлганларини ўйлаганимизда ул кишига эътиқодимиз янада ошганди.

Хар сафар ҳазратнинг ёқимли овозларини эшитганимда бутун вужудимни қулоққа айлантириб тинглаб, ваъздаги бирор жумлани ўтказиб юбормас-

ликка ҳаракат қилардим. Айтилган ҳар бир панду насихат ҳаётий ривоят ёки тарихий лавҳалар билан бойитилар, тўлдириллар эди. Маълум бир ривоят поёнига етганида ҳикматли ҳулоса ясаб пайтда кўплаб тингловчилар янги бир ҳақиқатни кашф этгандай бошлари билан маъқуллашганига гувоҳман.

Диний билимларни зуққолик билан ўзлаштирган бу зот "Қўлинг ишда, дилинг Аллоҳда бўлсин" тамойилига амал қилиб, дунёвий оламни ҳам мукаммал ўрганганди. Чунончи "Футуҳий" таҳаллуси билан кўплаб газаллар битганлиги у кишининг яқинлигига маълум эди. Меҳрибон онаизорига бағишланган "Волидам" номли газалларида шундай мисралар бор:

**Кечинг, эй волидам,
маъмур Футуҳийнинг хатосини,
Мукофот айласин деб,
оби дийдам сел оқизиб келдим.
Волидам, Макка, Мадина,
кўп шахарларни кездим мен
Икки ой, неча кунлар даври
даврон ўзиб келдим.
Не бахт ўлгайки, турсам
суҳбатингизда ҳар доим,
Улуғ халқим, Ватаним, деб
шиорларни чизиб келдим.**

Шу лўнда байта муаллифининг онасига, халқига, Ватанига муҳаббатини ёрқин акс этиб турибди. У киши отанани қадрлаш, устозларнинг ҳурмати-ни жойига қўйиш, оилада фарзандларга меҳрли бахшида этишда ибрат намунаси эдилар.

Собик шўролар тузумида миллатлар ўрни умумий иттифоқ соясига қолиб кетганда у ўзбек номини дунёга танитишга интилди. Нафақат Шарқ мамлакатлари, балки Европанинг бир қанча ўлкаларида ҳам тинчлик тарғиботчиси сифатида кенг қамровли фаолият юритди. Олис элларда Ўзбекистон замини ҳақида ҳикоя қилди, жуда кўп дўстлар орттирди. Араб мамлакатларида бўлганларида Имом ал-Бухорий, ат-Термизий, ал-Қафқол аш-Шоший, Абдуҳалиқ Фихудуновий, Баҳоуддин Нақшбанд ижоди ҳақида ўша замонда ҳам сўз кетганда шу буюк муҳаддисларга ватандош эканлигидан фахрланди.

Тақдиримга минг бор шўрки, бир вақтлар ушалмас армон бўлган муборак ҳаж сафари мустақиллик туфайли, Президентимизнинг доно сиёсати боис каминага ҳам насиб этди. Арафот тоғида ҳар ким ўз қалбидеги дуоларни изҳор этганда мен аввало чин озодликка эришган юртимизга кўз тегмаслигини, истиклол меъморлиги сифатида номи халқ ва миллат тарихида битилган Юртбошимиз соғ-омон бўлишини Яратгандан сўраб илтижо қилдим. Шунингдек, бизга насиб этган озодлик даврини неча йиллар мобайнида орзу қилган, лекин унга етиб келолмаган аждодларимиз қаторида Зиёвуддинхон Бобохоннинг охирати обод бўлишини ҳам дил-дилдан сўрадим.

Абдуборий РАҲИМОВ

ЭЪТИРОМ

"Тошлари бошга болишдир"

Ёзувчи Тўлқин Ҳайит асарларида юрт шундай куйланади

Г арчи Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси аъзоси, "Тонг юлдузи" газетаси бош муҳаррири Тўлқин Ҳайит каминага қариндошлик рутбасида турса-да, эллик ёшга тўлдириганига гоҳ ишониб, гоҳ ишонмай тураман.

Ишонганим, болаликдан бирга улғайдик. Ёзганларимнинг неча-нечасига қилчизил "лолакизгалдоқ"лар эканига ҳам гувоҳман. Қишлоғимиз марказидаги салобатли тут дарахтининг суратини ҳафта — ўн кунда чизиб, сўнгра йиртиб ташлаганим-да шохидиман. Сабабини сўраганимда, "ёқмади" деганди ўшанда. Эҳ-е, қанчадан-қанча қозғаларнинг бошига етмади, дейсиз. Бирок у исроф қилинган қозғалар сиёҳи тугаган қаламлар ҳаққини оқлади. Киссаю ҳикоялари билан, сўзи билан оқлади.


Энди ишонганимга келсак, одатда эллик ёшнинг бошида турганларда кексаликнинг унча-мунча гардлари кўрингандай бўлади. Жилла курса сочларида қиров, пешонасида ўтган умрининг йўллари... Йўқ, Тўлқин Ҳайитда булардан асар-да кўринмайди. Ишлашга, ижод этишга бўлган рағбат, гайрат-шижоат ўша-ўша. Бундан ўттиз беш йил бурунгидек. У гоҳида рубобини қўлига олиб завқ билан "Тановар" ёки "Уртар"ни куйласа, гоҳида қандайдир хайкал

устиде ишлаётган, яна баъзан мусавирлик билан шуғулланаётган бўлади. Тўлқин Ҳайит йиллар мобайнида йиққан китобларини "Ҳеч бир хонадонга сизмаган — хазинам!" дейди. Боиси икки-уч уйни алмаштиришга улгурган бўлса-да, ҳали-ҳамон китобларининг аксарияти жавонда эмас, балки ёзув столининг остиго усти билан банд. Жавондан эса фақатгина бадий китобларни эмас, ботаника, кимё, математика, астрономия фанларига оид илмий адабиётларни ҳам топиш мумкин. Бундай "бегона" адабиётлар туркумини ташкил этувчилар орасида тарих ва санъатга оидлари кўпроқ.

Адибнинг "Вафо маликаси", "Қора шаҳзода", "Шоҳизинда" каби асарларини мутолаа қилган киши эса ўтмиш силсилаларига гувоҳ бўлаётгандек сезади ўзини. Унинг битикларида тарих қайта жонлангандек, аждодларимиз биз билан ҳамсўхбат бўлаётгандек гўё. Эшитишимча, ёзувчининг "Қўйлиқ ота" номли янги асари ҳам китобхонлар эътиборига ҳавола этилиш арафасида экан.

Бундай китоблар Ватаним бор бўйи билан севишга, унинг ҳар ирмоғию сикми туپроғини кўзларга тўтиб айламакка, ҳар бир тошини бошга болиш қилмоққа даъват этади.

Қамолiddин МИНГБОЕВ



Ўзбек шеърляти

— ассам тилимда

Қадимий тамаддун маркази Ҳиндистонда кейинги даврларда ўзбек замонавий шеърлятига қизиқиш кучайиб бормоқда. Бу ўлкада ўзбек шеърляти антологияси чоп этилгани ҳам сўзимизнинг яққол далилидир.

Инглиз ва ҳинд тилларида тайёрланиб жаҳонга тарқатиладиган "Критья" веб-журнали ўтган йилги декабрь соинда ўзбек шоирларига кенг ўрин ажратган эди. Бу веб-журнал шоир Муҳаммад Гаффор шеърларини ҳам ўқувчиларига таништирди.

Ҳиндистондан яқинда яна хушхабар олдик. Муҳаммад Гаффорнинг туркум шеърляри энг нуфузли вақтда нашрдан ҳисобланган "Дайник жанамб хуш" журналида эълон қилинибди. Шеърларни инглизчадан таниқли ҳинд шоири доктор Праяг Сайкия ассам тилига ўғирибди. Дарвоқе, Праягнинг ижоди адабиётимиз ихлосмандларига яхши таниш. Унинг шеърляри "Гулистон", "Жаҳон адабиёти" журналларида ёритилган.

Ўзбек — ҳинд адабий алоқалари тобора мустаҳкамланаётгани қувончли ҳолдир.

Куйида шоир Муҳаммад Гаффорнинг "Хуррият" ўқувчилари ҳукмига ҳавола этган шеърляридан бахраманд бўласиз.

Муҳаммад Гаффор

ОППОҚ ТОНГ ЗУЛМАТНИ СИМИРАР...

БУГУН

Мен бугун бир аёлни кўрдим,
Дунёда тенги йўқ сунбул.

Мен бугун бир гулни кўрдим,
Шоҳларига қўнмаган булбул.

Бир душман учратдим бугун,
Энг содиқ дўстимдан афзал.

Бир дўст учратдим дафъатан,
Керак эмас ҳеч қандай душман.

Билмай қолдим қайсибур кунда,
Осиб қўйдим ўзимни-ўзим.
Э, воҳ дедим, ёлвордим тунга,
Зулмат ичра тенгираб кўзим.

Самоларая санчилаган юлдуз,
Елаоради илтижо сўраб,
Коиотни сипқорган кундуз,
Турар белга қўлини тираб.

Қамисидан қон томар тўзим,
Чидаятман уйишларига,
Осиб қўйдим ўзимни-ўзим,
Қизгалдоқнинг бўйишларига.

Мовий осмон тил-тишиқ осмон,
Ой югурар у ёқдан бу ёқ,
Юлдузларни тиллайсан ҳамон,
Юлдузлардан тўқилар бўёқ.

Титраб турар узун тераклар,
Хотиранинг йўли нотекис.
Уйноқлай бошлар юраклар,
Бирдан чўчиб тушасан илқис.

Бирдан кўзинг тушади толга,
Тол тағида ултирган чолга,
(Чойхонада ултирган чолга)

Яримта ой
Хорин сўралар
Кўзларим тўқилар
Ойнинг изига.

Бу дарахт жуда ҳам бахтсиз яшар,
Тун билан артади кўз ёшларини.
Бу дарахт жуда ҳам бахтсиз яшар,
Силагини келади унинг бошини.

Бу дарахт жуда ҳам бахтсиз яшар,
Изғирин, изтироб, шамол қўчади.
Бу дарахт жуда ҳам бахтсиз яшар,
Ойни газак қилиб шароб ичади.

Сен буюк шоирсан,
кўзларинг айтар.
Сен буюк шоирсан,
сўзларинг айтар.
Фақат сен кўрқасан,
оппоқ қоғоздан.
Отанени ўлдирсан,
Отанени сўлдирсан,
Рашида қони йўқ,
оппоқ қоғоздан.

ХАТ

Кечирил, эртага қайтгум демасман,
Индин ҳам қайтишим гумондан-гумон.
Балки мен бу ерга мануе келмасман,
Шунда сен тўқилиб бўласан вайрон.

Изғирин шамоллар, дарчанини қоқар,
Зимистон қағрида титрайди хаёл.
Кўзингдан ёшларинг дарёдек оқар,
Кечирил, кечирил Муқаддас аёл.

МУҲАББАТ

Сен меникисан.
Уликсиде
Ижарада яшайсан
холос.

МАҚТУБ

Сўзни тежаб ишлат.

ДЎРМОН
БОҒЛАРИДА

Дўрмон боғларида ҳазонрез,
Ўзоқ полвон мақтапар тинмай.
Яна мен шаҳарга қайтаман,
Олди-қочди лоғларга кўнмай.

Яна овутаман ўзни тинимсиз,
Ҳаётим бир кунни тушар деб изга.
Ушм йўқ, жойим йўқ кўнимсиз,
Ўзимни сотаман шаҳарлиқ қизга.

Доҳолар тиржавар ҳолимни кўриб,
Ичлари шилдирик, қўлар қалтирик.
Бетон деворларга бошимни уриб,
Дўстлар ҳам топаман ялтирик.

Чунтагимга қараб кафелар, барлар,
Мудек пиво этади тортиқ.
Мажнунтол тағида ўйча толаман,
Маширабу жунундан қаерим ортиқ?

Кунлар ҳам ўтади тинимин билмай,
Наҳот мен ожизман, наҳот мен кўрман.
Айбу нуқсонимни юзига солмай,
Яна кутиб олади Дўрмон...

Дўрмон боғларида ҳазонрез...

Оппоқ тонг зулматни симирар,
Юлдузлар кўкини тарқ этган.
Ичимни бир нарса кемирар,
Келмади, келмади мен кутган.

Оҳ, қандай азобдур умрим,
Мен кутган ҳилолим келмади.
Бу қандай ғазабдур қумрим,
Дарёдай кўз ёшим билмади.

Дарахтлар кўнишиб турар,
Тун азобим симиради дил.
Кумурскалар кемирар,
Жонсиз ётар ёлғизоёқ йўл.



Бахшумла РАЖАБ — Бухоро туманидаги Муғалон қишлоғида таваллуд топган. Бухоро давлат университетининг филология факультетида таҳсил олган. "Рагин чакмоқлар", "Таскин", "Юракка сизмаган дунё", "Кўнгли казбаси" сингари қатор китоблар муаллифи. Айни пайтда Бухоро туманидаги «Галаксиё овози» газетаси муҳаррири вазифасида ишлаб келмоқда. Куйида эътиборингизга шоирнинг бир туркум шеърляридан ҳавола этмоқдамиз.

Бахшумла РАЖАБ

Йўлингга сочилар меҳрим ёлқини

УММОНДАН ТОМЧИМИЗ

Башар уммондан томчимиз, холос,
Қанотсиз қушмизу йўлсиз чавандоз.
Худонинг кўнглини овлаш мумкин деб,
Тавба-тазарруға уқлигимиз рост.

Ўтмиш дарахтидан узилган тақдир,
Гоҳида ичирин гоҳида тахир.
Жисмимиз ўт, сувдан бўлса-да бунёд,
Рух мануе самовий сирларга асир.

Сазойи ишқ қони тўқилган тупроқ
Қўксиде чўлганган лолазим, бироқ.
Фасодлар турғиға ўралиб фақат,
Бир-бирин бүгизлаб яшайди ахлоқ.

Сувдан қуруқ чиқмоқ истар нобакор,
Разолат ботмоқин булғатиб бисёр.
Жаннатнинг нелгин, дўзах нелгин
Билмаган зот учун икки дунё тор.

Инсонимиз! Инсондек яшайлик фақат,
Лоланинг умридек умринг тапшлат.
Кесиб бўлмағай ҳеч вақтинге дарахтин,
Абад боғларида бахтингни ярат!

Барқут тонлар... гоийб бир қудрат
Нозил ердек шивирлайди сир.
Борлиғимни қўриш ҳарорат,
Мени этар банди асир.

Не сирсан, деб сўрайман беун,
Жавоб келар маъмур, безавол:

Мен — кечаги самарасиз кун,
Мен — эртагги умидли иқбол!

Нафис тонг,
сокин боғ,
ям-яшил баҳор
Ёмғирли ҳавога ҳидларин қориб,
Булбуллар тилида ишқ этиб изҳор,
Ғунчалар лабини оҳиста ёриб,
Сехрли суратга айланаб буткул,
Мажнунган чоғида мовий нафосат.
Кўзим қароғида ҳайрат очиб гул,
Ошурфта қалб торим чертди Шегърият.
Севиндандан кўксимда титраб ҳаяжон,
Жисмимни чулғади мастона
тулқин.
Митти юрагимга жойланди
Осмон,
Ва қуёш нафасин симирган
Замин!

Олдига югурар умр, ҳаёт оти,
Жилоинг тортишга йўқдир иложим.
Майлага, шиддаткор умрим ғироти,
Турмасан бир жойда мисли харсанг жим.

Бахт дея интилсин юрак — юксакка,
Олам сирларини сув каби ичсин.
Шижоат утини солиб юракка,
Мақсадим тоғини қўйидай қўйсин.

ҲАҚИҚАТ

Отдилар,
Осдилар,
Эдилар уни,
Егдириб бошидан азоб-қайғуни.
У ҳамон разолат тошларин янчиб,
Адолат бошидан сочар ёғдуни.

Нуроб кетаёттир олис хотира,
Сенинг кўзларинг ҳам унда мўлтирар.
Шоафқатли қалбимдан излар у чора,
Косасин нафратим ёйча тўлдирар.

Тақдиринге қулича айланмоқ нечун,
Ойдин бахт ижони туранда ёниб?
Куй, ортега қайтмоққа ундама беун,
Оппоқ бахт жолсини сипқорай қониб.

Кўзларим интизор термулар, эркам,
Йўлингга сочилар меҳрим ёлқини.
Севги таронаси тилимда ҳар дам,
Меҳримга тенг келмас дунё олитини.

Кўнгли кўзусида суратинге кўриб,
Илҳомим гунчаси очғай латофат.
Нисоланг ишқиде хаёллар сўриб,
Соғинч қўйишдан олғум ҳарорат.

Қалбимга туташсан танда жон қадар,
Кел, эркам, ҳажринида кул бўлди бардош.
Ҳаётим йўлида сен сўнмас қамар,
Орзуим кўкида — зиббахш қуёш!

Урғуғида айланар дунё



Урғуғининг оти олма,
Тонган шу вақтгача қолма.
Эшик олди жўнғичқа,
Илим бўлсин ингичка.

Оқ чўйкамни чўзайин,
Душманлардан ўзайин.
Урчуқ-урчуқ ип ишириб,
Урмак тўқий-да керилиб...

— дея қўшиқ айта урчуқни олиб, қўлини-қўлига теккизмай сочдек майин қилиб ип йиптира бошлади. Йиптириб, чийратилган калава ипларни турли ўсимликлардан тайёрланган табиий бўёқлар билан бўяб, тайёр бўлган иплардан урмак қуришга киришиб кетди.

— САРАЛА — бу тақир, терма, гажари гиламларга нисбатан тўқилгани осон ҳамда енгироқ гилам бўлгани учун азалдан тўшамчи сифатида фойдаланиб келинган. Ҳозирги кунда ҳам кўнгирот келинларнинг сенида камила тўртта-бештадан турли

тематик ҳисоб ва геометрик шакллари тасаввур қилиб, тўқиган косагуд, атиргул нусхали тақир гиламларга қараб ҳайратга тушади киши. Улар оддий гилеларга менгзаб ҳам наҳқлар ўйлаб топилган. Демак, азалдан ижодкорнинг илҳом манбаи она табиат бўлган. Мен ҳам шу табиатдан завқ оламан...

Ҳа, қўлигул қишлоқ қизи Дилафрўз тўқиган силлиқ ва қотма гиламларда миллий санъатимиз анъаналари ўзига хос тарзда ифода топган. Кишидан оғир меҳнат талаб қиладиган босма, ўйма қипизларда, чепканларда халқимизнинг моддий ва маданий қадриятлари ноҳик нафосат билан тасвирланган.

Дилафрўз 2006 йил «Келажак овози» кўрик-танловининг «Баллий ва амалий санъати» йўналиши бўйича республика босқичи иштирокчиси, «Ўзбекистон маданияти ва санъати» форуми томонидан ўтказилган «Аср-



сарала гиламлар қўшилади. Қайси бир хонадонларда турли сарала гилам тўлиб тўшалиб турса, бу уй соҳибаси ва қизларининг чеварлигидан далолат беради, — дейди у.

— Қишлоқдошларимнинг ҳар бир келини сенида бўлиши лозим бўлган гиламлардан яна бири тақир гиламдир. Тақир гиламнинг асосан икки хил нусхаси урф бўлиб, улар «Кулиқ» ва «Атиргул» нусхалари деб юритилади. Бу гиламларга бежирим нақшли чет гуллар солиб, ип санаб тўқилади. Бу эса ўз навбатида ҳисоб-киتابни билишни тақозо қилади. Авваллари молларимиз ўқиматан бўлсалар-да, ма-

лар садоси» республика кўрик-танлови ғолиби ҳамдир.

Унинг «Кўнгиротларнинг анъанавий амалий санъати» номли рисоласи, «Қалбим сурати», «Сарҳад билмас соғинчлар» сингари шеърини тўпламлари чоп этилган. Ўзбекистонда янги яратувчанликка интилувчан ана шундай нафосатта ошурфта кўнгли соҳибаси Дилафрўз сип бўлишига қарамай, ҳунарга мойил тенгдошларига ҳам халқ амалий санъатининг сир-асорини кунг билан ўргатиб келаётганини ибратлидир.

Алиба УМИРОВА,
«Хуррият» мухбири.

Ташқи кўриниш... муҳимми?

Яқинда бир воқеага гувоҳ бўлдим. Тўйга таклиф қилинганларнинг келди-кетдиси узилаётган бир пайтда дарвоза тагида тўхтаган қора «Мерседес» русумли автомобилдан тушган, башанг кийинган, салобатли бир киши мезбонларни шошириб қўйди. Мехмоннинг алоҳида дастурхонга таклиф этилиши, таниган-танимаганларнинг ортқча мулозамати менга эриш туюлди. Ўйлаб қолсан киши: инсоннинг қадри унинг машинаси, салобат бериб турган бир неча юз

минг сўмдан зиёд нарҳдаги кийими билан ўлчанадими? Бу ўлчовнинг қиймати қанча ёки неча кунлик экан?

Касб тақозоси билан кўпгина учрашувлар, анжуманларда иштирок этишимизга тўғри келади. Ҳатто кимга ҳушомад қилаётганини билмасам ҳам кишиларнинг зоҳирий ҳолатига эътибор бериб, сертакаллуфлик қилаётган одамларни кўриб кулгимиз қистайди. Бу балки айрим-айримларнинг характери ёки одатидир... Яна ким билсин, балки бунда биз

билмайдиган «манфаат» ҳам бордир? Хулосани ҳар ким ўзи чиқаради. Аммо, «Ҳақиқат оддийликдир» деган гап ҳам борку! Баъзи машҳур шоир, олим ёки санъаткорлар ҳақида эшитамизу, уларни бир афсонавий кўринишда тасаввур этамиз. Аслида эса уларнинг кўпчилиги оддийгина либосларда эканликларини кўрганимизда танимаймиз, таниганимизда эса ростки, хайрон бўлаемиз. Уларга бўлган ҳурматимиз янада ошади. Демокриманки, бугун башанг кийимига қараб

ёки ўтирган курсисига қараб, муомала қилиш, икки букилиб саломлашиш айримлар учун оддий ҳолга айланиб бораётганга ўхшади.

Аммо ҳокисорлик, камтарлик билан яшаётган, лекин қалби юксак, маъна бой инсонларга ҳам эътибор беришимиз керак эмасмикин? Айниқса, бугунги айрим ёшлар куруқ хоё-хавасларга, ялтироқ либосларда дабдабали уй, машиналарга ўч бўлиб боришаётганидан хавотирга тушсан киши.

Машҳура СУЛТОНОВА

РАССОМ ХАНДАСИ




Мусаввир: Хусан СОДИКОВ

СПОРТ

ФАҚАТ ҒАЛАБА КЕРАК

Хабарингиз бор, шу йилнинг тўртинчи октябрдан бошлаб пойтахтимиз Тошкент шаҳрида ўсмирлар ўртасида футбол бўйича Осиё чемпионати бўлиб ўтмоқда. Дастлаб Ўзбекистон терма жамоасининг ушбу нуфузли чемпионатдаги иштироки хусусида тўхталиб ўтсак.



Мусобақанинг биринчи кун Рoberт Гай бошчилигидаги терма жамоамиз сингапурлик тенгдошларини марказий «Пахтакор» стадионида йирк 7:0 ҳисобида ҳисобда мағлубиятга учратиб, гуруҳ баҳсларидаги дастлабки 3 очкони қўлга киритишди. Учрашувнинг дастлабки дақиқаларида Сингапур терма жамоаси ҳимоясиси ҳамюртимиз Ойтиллохон Муҳиддиновни кўполлик билан тўхташиб қолди ва ўз навбатида учрашувни бошқариб бораётган ҳакам пенальти белгилади. Абдумотлиб Абдуллаев эса 11 метрлик зарбани бехато амалга оширди. Иккинчи голни ҳам мухлислар кўп кутиб қолишмади. Яъни орадан 10 дақиқа ўтган, умидли футболчиларимиздан бири Аюбхон Гапбаров иккинчи голга муаллифлик қилди. Ватандошимиз Максим Уткиннинг голи эса Ўзбекистонлик футболчиларни 3:0 ҳисобида таанафусга ғалаба билан чиқиб кетишни таъминлади.

Уйининг иккинчи бўлимида ҳам майдон эгалари ҳужумкор футбол намойиш қилишди. Натихада ўзбекистонлик ўсмирлар рақиблари дарвозасига яна 4 та жавобсиз тўп киритишга эришди. Шу тариқа учрашув 7:0 ҳисобида юртдошларимизнинг тўлиқ устунлигида ўтди. Осиё чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси ўзининг гуруҳдаги иккинчи учрашувини Эрон футболчиларига қарши ўтказиб, 1:2 ҳисобида имкониятни бой берди. Ушбу мағлубият терма жамоамиз мухлисларини биров чўчишиб юборган бўлса-да, ҳали вақилларимизнинг Осиё чемпионатининг чорак финал баҳсларига чиқиши учун имкониятлари етарли. Бунинг учун эса улардан Баҳрайн терма жамоасини ҳар қандай ҳолатда ҳам мағлуб этиш талаб қилинади. Чунки маъжур терма жамоа иккинчи турда Сингапур термасига қарши тўп суриб, 3:0 ҳисобида ғалаба қозонди.

Айни пайтда гуруҳда Эрон терма жамоаси ўтказилган ҳар икки учрашувда ғалаба қозongan ҳолда олти очко тўплаб, пешқадамлик қилмоқда. Ўзбекистон ва Баҳрайн терма жамоалари эса уч очкодан жамғаришга эришган. Фақат киритилган ва ўтказиб юборилган тўплар нисбатига кўра, юртдошларимиз гуруҳда иккинчи ўринда бормоқда. Эслатиб ўтамиз, учинчи турдаги Баҳрайнга қарши кечадиган учрашувда юртдошларимизни дураник натижа ҳам қаноатлантиради.

Бугунга келиб, Осиё чемпионати баҳсларида Жанубий Корея ва Сурия терма жамоалари кейинги босқичга чиқишни амалда ҳал қилиб бўлишди. Индонезия ва Хиндистон терма жамоаларини йирк ҳисобда мағлуб этган корейликлар гуруҳда биринчи ўринни эгаллаган бўлса, сурияликлар иккинчи погонани банд этди. Агар Ўзбекистон терма жамоаси гуруҳдаги учинчи учрашувни ўз фойдасига ҳал қилса, чорак финал баҳсида айнан маъжур гуруҳ пешқадами Жанубий Корея билан ярим финал йўлнамаси учун кураш олиб боради. Гуруҳ пешқадами Эрон ўсмирлари эса суриялик тенгқурлари билан ўзаро куч синашадилар.

Азим РЎЗИЕВ тайёрлади.

Тошкент шаҳрида фаолият юритаётган «EVEREST PLYUS» МЧЖ тугатилди. Барча даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида қабул қилинади.

Мурожаат учун манзил:
Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30 уй.
Тел: 917-87-87

ИМҚОНИЯТ ЯРАТАМИЗ

Халқаро пул ўтказмалари

WWW.IPOTEKABANK.UZ

Хизматлар лицензияланган.

HURRIYAT *Original angle!*

Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2.

Индекс: яқка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

Бош муҳаррир: Абдурашул ЖУМАКУЛ

Тахрир кайҳати: Хуршид ДЎСТМУХАММАД, Азамат ЗИЁ, Наим КАРИМОВ, Тўлан НИЗОМ, Абдуқажҳор ИБРОҲИМОВ, Хосил КАРИМОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Шерзод ҒУЛОМОВ

Тахририятга юборилган хат ва мақолаларга ёзма жавоб қайтарилди.

Тахририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Телефонлар: 236-23-13, 233-67-51, 236-53-31, 236-56-38, 236-75-15
Реклама ва маркетинг бўлими: 236-55-13 Тел-факс: 233-36-02

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Бухорода — 8-365-715-30-57
Самарқандда — 8-366-233-62-12
Сурхондарёда — 8-376-335-10-22
Тошкентда — 8-370-76-21-934

Фарғонада — 8-373-225-80-58
Хоразмда — 8-362-226-20-80
Қашқадарёда — 8-375-221-78-50
Навоийда — 8-436-223-10-28

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида босилди.
Манзил: Буюк Тўрон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи: Иномжон АБДИЕВ

Топшириш вақти — 21.00
Тоширилди — 24.00

® — тижорат белгиси.

Адади: 5112 Буюртма — Г-954 * 2 3 4 5 6 7 8